210593

Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 11 май • Сешанба • № 54 (14082) ترکستان TURKİSTAN Нархи 5 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Пул муомаласини тартибга солиш ва республика истеъмол бозорини ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида

Пул муомаласини янада тартибга солиш, республика аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш ва истеъмол бозорини муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон жамғарма банки:

Шу йил 10 майдан бошлаб омонатларга пулни фақат Ўзбекистон Республикаси аҳолисидан паспортлар асосида қабул қилсин;

Бир ой муддатда омонатчиларнинг ҳисоб варақаларини текшириб чиқсин ҳамда собиқ СССРнинг бошқа республикаларида яшовчи шахсларнинг омонатларини аниқлаб, улар юзасидан операциялар ўтказиш тўхтатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон жамғарма банки билан биргаликда собиқ СССР республикаларининг марказий (миллий) ва жамғарма банклари билан келишиб, мазкур омонатларни ҳисоб варақалари эгалари истиқомат қиладиган жойга ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал қилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 1993 йил 10 майдан бошлаб 25 минг сўмгача турадиган моллар фақат купонлар бўйича, 25 минг сўмдан ортиқ турадиган моллар чеклар, чек дафтарчалари бўйича ёки омонатчиларнинг топширувига биноан уларнинг банк муассасаларидаги ҳисоб варақаларидан пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Давлат ҳисоб ва истиқболни белгилаш қўмитаси билан биргаликда купонлар бериш миқдори жадвалини ўзгартириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига бир ҳафта муддатда таклифлар киритсин.

3. Ўзбекистон жамғарма банкининг муассасалари 1993 йил 10 майдан бошлаб чекларни ва чек дафтарчаларини фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берсин. Эгасининг номи ёзилган ҳисоб-китоб чеклари фақат паспортга биноан ёзиб берилиши лозимлиги ҳақидаги тартибга қатъий амал қилинсин. Республиканинг тегишли ҳудудида шу тартибга риоя этилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик Ўзбекистон жамғарма банки бўлимларининг бошқарувчилари зиммасига юклансин.

Савдо ташкилотларининг раҳбарлари чек ёки чек дафтарчаси кимнинг номига берилган бўлса, моллар фақат ўша шахсга сотилиши тўғрисида белгиланган тартибга риоя қилиниши учун шахсан жавобгар эканликлари ҳақида огоҳлантирилсин. Чекларни ёки чек дафтарчаларини бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари купонларнинг пинхона бозорга чиқиш йўлларини аниқлашни таъминласин, купонларнинг қонунга хилоф равишда сотилиши ва сотиб олинишига йўл қўймаслик юзасидан амалий чораларни кўрсин, марказий банкнинг, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари иштирокида оммавий ахборот ва тарғибот воситаларида тушунтириш ишларини мунтазам равишда ўтказиб турсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида молларни купонлар, талонлар, чеклар ва чек дафтарчалари асосида сотиш юзасидан белгиланган тартибга риоя этилиши устидан назоратни кучайтирсинлар ва мазкур талаб сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Ўзбекбирлашув, «Ўзбексавдо» давлат уюшмасининг раислари, савдо тармоғига эга бўлган вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари ўзларига қарашли ҳудудларда ва ташкилотларда мол сотишнинг мазкур тартибига риоя этилиши учун, шунингдек, истеъмол бозорини ҳимоя қилиш борасида чоралар амалга оширилиши ҳамда молларнинг республика ташқарисига ташиб кетилиши ҳолларининг олди олиниши учун шахсан жавобгар эканликлари ҳақида огоҳлантирилсин.

Мазкур тартиб бузилган ҳолларда айбдор шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган қаттиқ жазо чоралари кўрилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

Ўзбекистон Республикаси билан МДҲдаги ўз миллий валютасини жорий этувчи мамлакатлар ўртасидаги банклараро битимларнинг марказий (миллий) банкларда очилган ваколлик варақалари орқали ҳисоб-китобларни уюштириш қисмини зудлик билан қайта кўриб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг МДҲдаги ўз миллий валютасини жорий этган мамлакатлар билан Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки вакиллик ҳисоб варақасини четлаб бевосита ҳисоб-китоб қилишлари тақиқлаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки билан Молия вазирлиги Қирғизистон Республикаси Марказий банкининг ўзаро ҳисоб-китоб варақалари балансларида акс этган қарз мажбуриятларини 10 кун муддатда тартибга солсинлар.

(Давоми 3-бетда).

Уйингиздаги гиламларга синчковлик билан зеҳн солсангиз, у ҳам катта бир санъат асари эканини ҳис қиласиз. Нафис гуллар, ранглар кўзларингизни жимирлаштириб юборади. Гиламдўзларга тасаннолар айтасиз.

СУРАТДА: Хазорасп пахта тозалаш заводи гилам тўқиш цехининг гилам тўқувчиси Сайёра Содиқова. У тўқиган гиламлар тез кунларда уйингиз тўридан жой олса ажабмас.

Ж. ҚОЗОҚОВ сурати.

Тонготар муборак улуғ халқимга...

Бизнинг алғов-далғовли асримизда беназир бир инсон дарёдек қирғоқлардан тошиб, ҳайқириб яшаб ўтди. Халқининг бахти онларида севинчидан ашъор битган, уни мухлисларига етказишга ошиққан, қиронли уруш йилларида бағри қонга тўлиб бўзлаган, порлоқ кун келажагига имон келтирган аллома шоир Ғафур Ғулом таваллудининг 90 йиллиги республикамизда кенг нишонланди.

Алишер Навоий номидаги санъат кошонаси байрамона безатилган. Саҳна ҳар қачонгидан гўзал, файзли кўринади. Тўрда буюк замондошимизнинг пурвиқор сурати. Адиб барҳаётлигида худди шу саҳнадан туриб оташин нутқлар сўзлаган, шеърлар ўқиган, республикамизда ўтказилган бир қанча маданият, адабиёт ва санъат анжуманларини бошлаб берган эди. Бугун эса абадий барҳаёт Ғафур Ғуломни олқишлаш ниятида бу ерга адабиётимизнинг, шоир истеъдодининг мухлислари, жамоатчилик вакиллари, алломанинг қариндош-уруғи, фарзандлари, неваралари эваралари келишган.

Соат 17.00. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов, Олий Кенгаш Раиси Ш. Йўлдошев, Бош Вазир А. Муталов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков, адабиёт ва санъат намояндалари саҳна тўридан жой оладилар.

Ўзбекистон халқ шоири, академик Ғафур Ғулом таваллудининг 90 йиллигига бағишланган тантанали кечани Республика Бош вазирининг ўринбосари, юбилей комиссияси раиси М. Қорабоев очиб, Ўзбекистон халқ шоири А. Ориповга сўз беради:

— Миллатимиз фахри, табаррук номи тарих саҳифаларига абадий битилган, халқимиз ҳаётини кўп ва хўб куйлаган буюк файласуф шоир таваллудининг 90 йиллигини тантанали нишонлаяпмиз, — дейди у. — Ғафур Ғулом ўзбек адабиётини ривожлантиришга, мумтоз адабиётимиз вакиллари адабий меросининг давр тўфонларидан омон сақланиб қолишига кўп ҳисса қўшди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, Ўзбекистон халқ шоири Иброҳим Юсупов, Ғафур Ғуломнинг қизи, ёзувчи Олмос буюк шоир ҳақидаги хотираларидан сўзлаб бердилар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов йиғилишда сўзга чиқди.

Ғафур Ғулом таваллудининг 90 йиллигига бағишланган анжуман санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта концерти билан ниҳоя топди.

Баҳодир АБДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Ижодкор ёшларнинг уй-жой шароитини яхшилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ижодкор ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида»ги 1992 йил 28 август фармонини бажариш юзасидан, Ўзбекистон Республикаси ижодкор ёшларининг энг муҳтож қисми уй-жой шароитини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари 1993 йилда Нукус шаҳрида ва барча вилоятларнинг марказларида 30 хонадонли, Тошкент шаҳрида 60 хонадонли уй-жой биноларини қуриб битказсинлар, улардаги ҳамма хонадонлар фақат ижодкор ёшларнинг турар-жой шароитларини яхшилаш учун мўлжалланган.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳисоб ва истиқболни белгилаш қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда шу мақсадлар учун материаллар ва асбоб-ускуналар қиймати ортишини ҳисобга олиб зарур маблағ ўз вақтида ажратилишини таъминласинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари мазкур бинолардаги қурилишнинг бориши ва қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиш ҳажмлари ҳақида ой сайин Вазирлар Маҳкамасига маълумот бериб турсинлар.

4. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий масалалар, фан ва маданият бўлими ҳамда ҳудудий-ташкилий бўлими зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 1993 йил 8 май.

«ТАЛАБАЛАР БАҲОРИ-93» РЕСПУБЛИКА АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ БАРЧА ТАЛАБА ЁШЛАРГА

МУРОЖААТИ

Азиз тенгдошлар!

Азалдан маълумки, илму-толиблар миллатнинг гули, фахри ва келажаги ҳисобланган. Шу маънода бугун Ўзбекистонимиз истиқболини яратиш кўп жиҳатдан сиз билан бизнинг яхши ўқишимизга, дунёвий фан сирларини мукаммал эгаллаб, ўз соҳамизнинг етук мутахассислари бўлиб шаклланишимизга боғлиқ. Эътироф этмоқ керакки, Президентимиз муҳтарам Ислом Каримовнинг бозор иқтисодиёти қийинчиликлари шароитида даставвал талабаларни ижтимоий муҳофаза этиш хусусида фармонлар қабул қилаётганлиги, ҳукумат томонидан билим олишимиз учун имкониятлар, шароитлар яратилаётганлиги, Ватанимизнинг биз ёшлардан умиди катта эканлигидан далолатдир.

Тўғри, бугун таълим соҳасида бир қанча муаммолар, етишмовчиликлар ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, битирувчиларнинг маълум қисми ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келмоқда. Аммо булар мустақиллик сари дадил қадам ташлаётган ёш давлатнинг табиий муаммоларидир. Зеро, истиқлол деб аталмиш муқаддас ва муҳташам қасрнинг осонлик билан бунёд бўлмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг баробарида ушбу қасрни тиклашда юрагида Ватан ва миллат ифтихори туйғуси бўлган ҳар бир фуқаро ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Қадрли талабалар! Муҳтарам тенгдошлар!

Биз сизнинг номингиздан вакил бўлиб келган «Талабалар баҳори-93» биринчи республика анжумани қатнашчилари қарийб бир ҳафта давомида муаммоларимиз ва истиқболдаги режаларимиз хусусида фикрлашдик, баҳслашдик. Кўпгина ғоя ва таклифлар ўртага ташланди, уларни муҳокама қилиб, режалар белгиладик. Энг муҳими анжуманимизнинг якуний, яхлит хулосаси шу бўлди: бугун халқимиз, Президентимиз сиз билан биздан яхши ўқишни, юртга содиқ фарзандлар бўлишни талаб қилаётган экан, бунинг учун тинмай ғамхўрлик кўрсатаётган экан, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, билим чўққиларини эгаллаш бизнинг энг олий мақсадимиз бўлмоғи лозим. Келгусида юрт равнақини кўтарадиган Берунийлару ибн Синолар, Улуғбеку Хоразмийлар, Қори Ниёзию Хабиб Абдуллолар каби машҳур олимлар орамиздан етишиб чиқса, не ажаб. Келинг дўстлар, бирга бўлайлик. Тажриба алмашайлик, мақсаддан чалғиб турли низою-ғавғоларга ёшлик қилиб аралашиб қолмайлик. Маърифатга, жаҳоннинг илғор тажрибасини, дунё тилларини ўрганишга бел боғлайлик. Ўзбекистон деб аталмиш жаннатмакон қадимий юртнинг умиди сиз ва биздан. Бу йил таваллудининг 90 йиллиги тўй қилинаётган улкан шоиримиз Ғафур бобо айтганларидек:

Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди,
Билиб қўйки сени, Ватан кутади!

«Талабалар баҳори-93» биринчи республика анжумани қатнашчилари, Фарғона шаҳри, 1993 йил, 5 май.

ХАЙР, ФАРҒОНА, АССАЛОМ, САМАРҚАНД!

Кўнглингдан отилиб чиқаётган НИМАНИДИР изоҳлаш учун сўз тополмай қийналасан. Эҳтимол, бу муҳаббатдир, балки илк учрашувдир, ё биринчи бўса, ёки кутилмаган омадингдир. Кимга қандай. Ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Ўша тотли ва ғанимат дамларнинг қай лаҳзаларини ёзмоқ бўласан? Илк танишувними? Ёлғондакам жанжалларингними? Қўнғир далаларда туғилган ва умр бўйи сени маст этган муҳаббатингними? Нафратингними, соғинчингними, дардингними? Нима у? Ким учундир у онлар бир лаҳзаликдир, арзимасдир, шунчакидир. Ва ким учундир у тақдир. Барибир талабалик, бу алоҳида бир дунё. Унинг сарҳадлари чексиз, унинг таърифлари қоғозларга сиғмайди...

Фарғонада мана шу илоҳий бир оламнинг фуқаролари — талабаларнинг анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистондаги жамики олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг йигит-қизлари иштирок этишди унда. Тиллар-да ожиз бу анжуманни таъриф этишга, сўзлар-да ожиз бу байрамни мақташга, бу йиғинда талабаларни хуноб этгувчи лекция ҳам бўлмади. Сийқаси чиққан мавзу ҳам. «Катта танаффуслар» бўлди узоқ. Уни ҳеч ким асабга текгувчи қўнғироқлар билан бўлмади, қолипларга солмади.

Фарғона политехника институти, Фарғона Давлат университети толиб ва толибалари ўз тенгдошларини нақд тўрт кун меҳмон қилдилар. Бу меҳмондўстлик, бу меҳмоннавозлик ҳар қандай таърифлардан юксакроқ. Наҳорги ошни қўйинг, анвойи гулларни қўйинг, яқинлик, ҳаммаслаклик ҳамма нарсадан устунроқ бўлди.

Талабалар Фарғона вилоятидаги энг йирик саноат корхоналари, меҳнат жамоаларида бўлишди. Гапнинг очиғини айтадиган бўлсак, «Фарғонатранс»га берилган замонавий немис «Мерседес»лари биринчи марта талабаларга хизмат қилди. Юмшоқ ўриндиқли автобуслар уларни Марғилондаги абрли газламалар «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасига, Қувасойдаги чинни буюмлар фабрикасига, анжуман ҳомийси, «Фарғонанефтеоргсинтез» ва «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаларига, Фарғона тўқимачилик комбинатига элтиб қўйди.

«Қиргули» саноат туманига жойлашган «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида Навойи, Хоразм ва қорақалпоғистонлик ёшларни иззат-икром билан кутиб олинди. Бирлашма бош директори Абдуҳошим Абдуллаев ёшларга корхона тарихи, унинг айни кунлардаги фаолияти тўғрисида батафсил тушунча берди. Талабалар ҳам анойи эмас, илгари собиқ Иттифоқ тасарруфида бўлган бирлашманинг бугуни хусусида, экологик аҳвол тўғрисида бош директорни саволларга кўмиб ташлашди. Тушдан кейин у талабаларни «Кимёгар» санъат саройига таклиф қилди. Бу ерда раҳбарнинг ўзи ёшлар билан бирга қўшиқ айтиб, рақсга тушди. Учрашув сўнгида қизларга бир кийимдан Марғилон атласи, йигитларга тўн ва дўппи кийдириб кузатди.

Қувасой фабрикаси директори Тўлқинжон ака хорижий меҳмонларни ҳам бу даражадаги иззат билан кутиб олмаган бўлса керак. Варзик қишлоғида то тун ярмигача давом этган тантаналар талабаларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолса, ажаб эмас.

Фестиваль шунчаки дам олиш билан чекланиб қолгани йўқ, албатта. Талабалар бугунги иқтисодий ва сиёсий аҳвол тўғрисида илмий-амалий конференциялар ўтказишди. Айниқса, ёшларнинг амриқолик меҳмонлар билан бўлиб ўтган учрашувлари ғоят қизиқарли кечди. Фурсатдан фойдаланиб, биз Вашингтондаги ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи илмий марказ ходими Габриэль Шварц билан суҳбатлашдик:

— Фарғонани таърифлаганларича бор экан. Мен Ўзбекистонда иккинчи маротаба бўлишим. Лекин бу галгидек катта тадбирда илк марта қатнашаяпман. Сизларнинг талабаларингиз жуда қизиқувчан, илмга чанқоқ ёшлар экан. Бу ёшлардан ҳали катта ишлар кутиш мумкин. Айниқса, уларнинг кибернетика, математика соҳасидаги синчковликлари мени қойил қолдирди.

Фестиваль якунланадиган кун талаба ёшлар Марказий Осиёдаги энг сўлим маскан — Шоҳимардонга ташриф буюришди. Улар шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг қабрини зиёрат қилдилар, тоғлик ёшларнинг азиз меҳмони бўлишди. Куй-қўшиқлар талабаларнинг шодон қийқириқлари асрий чўққиларда акссадо берди. Эртаси куни Фарғонадаги дўстлик майдони ва кейинроқ «Марғилонсой» қаҳвахонасида анжуманга якун ясалди. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг саркотиби Адҳамжон Орзиматов, Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари Муҳаммадали Маҳмудовлар ёшларни илк бора ўтказилаётган катта анжуман билан қутлашди. Фарғона вилояти Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби Алишер Тешабоев фарғонача такаллуф билан анжуманнинг рамзий белгисини Самарқанд ёшларига тақдим этди. Республика ижодкор талабаларининг биринчи фестивали қатнашчиларига анжуман эсдалик совғалари топширилди.

Мана, бир неча ойлардан бери интизорлик билан кутилган анжуман ниҳоясига етди. Қизғин тортишувлар, самимий баҳслар, сўлим гўшаларда кечган оқшомлар ортда қолди. Талабалар сидқидилдан тузалган дастурхон учун, меҳмондўстлик учун фестивал таъсисчиларига, ҳомийларига чин дилдан миннатдорчилик билдирдилар. Ҳайрлашув лаҳзаларида кўрсатилаётган жуда катта ғамхўрлик учун юртбошимиз номига миннатдорчилик мактуби қабул қилинди...

Ким айтган бўлса ҳам, талабаликни олтинга қиёс қилиб адашмаган экан.

Рустам БОЙ МУҲАММАД,
«Туркистон»нинг Фарғона вилоятидаги ўз мухбири.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси «Талабалар баҳори—93» фестивалини ўтказишга катта ёрдамини кўрсатганликлари учун Фарғона вилояти ҳокимлигига, вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитасига, шаҳар ва туман ҳокимликларига, анжуманни ўтказиш, ташкиллаштириш билан боғлиқ бўлган барча корхона ва ташкилотларга ўзининг миннатдорчилигини билдиради.

Фестивал қатнашчиларининг тантанали қасамёди

Бизким, мамлакатимизнинг гўзал Фарғона диёрида ўтказилаётган «Талабалар баҳори» Республика фестивали қатнашчилари, истиқлол йўлида шаҳдам қадамлар ташлаётган жонажон Ўзбекистонимизнинг ёш фуқаролари, ўзининг кўп минг йиллик тарихига, анъаналарига эга бўлган очиқ кўнгил меҳнаткаш ўзбек халқининг фарзандлари мана шу муқаддас Ватан тупроғида туриб:

— Мустақил Ўзбекистонимизнинг инсонпарвар фарзандлари бўлиб етишишга, дунёвий билимларни эгаллаб, буюк давлат барпо этиш учун муносиб ҳисса қўшишга, Ватанимизнинг фаровонлиги, тинчлиги йўлида халқимизга фидокорона хизмат қилишга;

— Республика Президенти Ислом Каримовнинг олиб бораётган одил сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, Ўзбекистоннинг жаҳоншумул обрў-эътиборини кўтаришга, миллий қадриятларимизга ҳамиша содиқ қолишга;

— Билимимиз, шижоатимиз, эътиқодимиз билан Турон шуҳратини дунёга ёйган жаҳонгир Амир Темур, Алишер Навоий каби улуғ аждодларимизга муносиб бўлишга

ҚАСАМЁД ҚИЛАМИЗ! ҚАСАМЁД ҚИЛАМИЗ!
ҚАСАМЁД ҚИЛАМИЗ!

Мактаб ва ҳаёт

ЛИЦЕЙДА БИР КУН



Тошкентда Туркия—Ўзбекистон эрлар хусусий лицейи очилганига бир йил бўлиб қолди. У республика Халқ таълими вазирлиги билан Туркия жумҳуриятининг «Силм» таълим-тарбия ширкати ўртасидаги келишувга мувофиқ ташкил этилган бўлиб, ҳозир бу илм масканида юздан ортиқ бола таҳсил олмоқда. Танлов асосида саралаб олинган болалар қандай ўқиётганини билиш, бу даргоҳнинг шарт-шароити билан яхшироқ танишиш ниятида Султонали Машҳадий кўчасидаги 307-мактаб биносига жойлашган лицейга бордик. Ҳаммаёқ ораста, батартиб, тушдан кейин бўлгани учунми, ўқувчилар кўринмайди. Йўлакда танишганимиз — муаллим Ғафур Солиҳов бизни мудир хонасига бошлар экан:

— Дарсларимиз тушгача. Ундан кейин болалар овқатланиб, дам олишади, — дея тушунтира кетди. — Сўнгра ким спорт билан машғул бўлади, ким хоҳлаган тўгарагига қатнашади...

У бизни мудир хонасига олиб кирди:

— Танишинг: бу киши лицейимиз раҳбари Фотиҳ Афанди бўладилар...

Катта ёзув столи ортида ўтирган ўрта бўйли, кўзойнак таққан хушсурат йигит пешвоз олди. Танишдик. Суҳбатимиз лицейни ким ва нима мақсадда ташкил этган, деган саволга жавоб бериш билан бошланди.

— Ўтган йили Ислом Каримов жаноби олийлари бизнинг ватанимизга ташриф буюриб, икки қардош халқ ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш, дўстлигимизни мустаҳкамлаш юзасидан бир қанча шартномаларни имзолаганидан сўнг ишларимиз юришиб кетди, — деди лицей мудири. — «Силм» таълим-тарбия ширкати Туркияда, умуман, Шарқ мамлакатларида машҳур. У озиқ-овқат маҳсулотлари, пойабзал чиқаради, кўнчилик, газламачилик, шунингдек, тижорат билан шуғулланади. Ҳозир Самарқанд, Бухоро, Урганч шаҳарларида корхоналар очган. Аҳамият берган бўлсангиз, ҳомийимиз таълим-тарбия ширкати деб аталади. Унинг бу борада Туркияда қилаётган ишларини санаб ўтирмайман. Шуниси диққатга сазоворки, ширкатимиз истиқлолнинг машаққатли йўлидан одимлаётган Ўзбекистон истиқболи бўлмиш ёш авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш ниятида. Пойтахтингизда очилган дастлабки эрлар хусусий лицейи шунинг натижаси. Айни кунларда Ўзбекистонда еттита шундай лицей ишлаб турибди.

— Лицейга кимлар қабул қилинади?

— Биз ўқишга танлашда болаларнинг саводига, билим даражасига энг муҳими — зеҳнига аҳамият берамиз. 6-8 синфни битираётган ўғил болалар тест синовидан ўтадилар. Саволлар эса ўқувчига таниш йиллик дастур асосида тузилади.

Шу пайт эшик очилиб, бир хил кийинган, бири биридан ўзишга тайёрлиги сезилиб турган болалар кириб келишди.

— Илгари қайси мактабда ўқигансан? — сўрайман ўзини Жаҳонгир деб танитган боладан.

— 22-мактабда, — дейди у.

— Биламан, у шаҳримиздаги илғор мактаблардан. Шундай мактабни ташлаб лицейга келганингдан ачинмаяпсанми?

— Йўқ, бу ерда бошқача ўқитилади, инглиз ва турк тиллари ўргатилади. Дарсларимизни ўз вақтида тайёрлаймиз, тушунмаганимизни шу заҳоти муаллимларимиздан сўраб оламиз. — У менга ер остидан синовчан назар ташлайди. — Уйимиз тор-ку. Уйда дарс тайёрлаш эсимиздан чиқиб кетарди... Бу ерда назорат қилиб туришади.

— Назоратни эмас, масъулият ҳиссини кучайтириш зарур, — дея суҳбатга аралашди мудирнинг ётоқхона бўйича муовини Салим Ўздамир. — Тўғри, олдинига назорат қилишга мажбур бўлдик. Қобилиятли болаларни танлаган эмасмизми, дарров изга тушиб олишди.

— Ўқитишда маълум бир дарслик ёки дастурга амал қилинадими?

— Туркиядаги махсус мактаблар учун тайёрланган дастур асосида ишлаймиз, — деди мудир. — Бу эса ўз самарасини беряпти. Фикримнинг исботи сифатида ўқув йили дастлабки ярми натижаларини айтишим мумкин.

— Сизларда чораклар бўлмайдими? Ярим йиллик юк оғирлик қилмасмикин?

— Тажриба бунинг аксини кўрсатиб турибди. Ўқувчиларимизнинг ҳаммаси ярим йилликни яхши ва аъло баҳолар билан якунлашди. Уларга нима учун ўқиётганларини яхшилаб тушунтирсангиз, истиқлол фарзандлари эканини айтиб, бу фикрни мияларига қуйсангиз, шунинг ўзи кифоя. Фарзандларни ўқитиш билангина чекланмай, рағбатлантира билиш ҳам керак. Таътил бошланиши билан энг яхши ўқувчиларимизни Туркияга олиб кетамиз. Тенгдошлари билан учрашсинлар, уларнинг туриш-турмушини ўз кўзлари билан кўрсинлар. Ахир, дунё кўрганларнинг фикрлаши ҳам дунёча бўладида!

— Қабул имтиҳонлари қачон бошланади? Имтиҳонларда қатнашиш учун нималар қилиш керак?

— Лицейимизга киришни хоҳлайдиганлар ўзлари ўқиётган мактаб маъмуриятига мурожаат этишлари зарур. Раҳбарлардан бири лицейга кириш истаги бўлган ўқувчилар рўйхати билан синф журналини ҳужжат қабул қилувчи вакилга олиб келиб топширади. Имтиҳон топширувчининг баҳолари «4» ва «5» бўлиши, у ўсмирлар билан ишлаш назоратининг рўйхатида турмаслиги шарт. Бундан ташқари, 3х4 ўлчамда иккита сурат, соғлиғи ҳақида маълумотнома топширилиши лозим. Олтинчи синфдагилар 15 май куни, саккизинчи синфдагилар 16 май куни Тошкент шаҳрининг белгиланган мактабларида имтиҳондан ўтадилар. Яна шуни таъкидлашим керакки, лицейимизда ўқувчилар турк тилини мукаммал ўрганадилар, химия, биология, физика, математика фанлари инглиз тилида ўқитилади.

Баҳодир АБДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

* * *

СУРАТЛАРДА: лицей директори Фотих Рушту зўр ўқувчиларга компьютер сирларини ўргатмоқда; расм дарси (пастда).

Р. ШАГАЕВ суратлари.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Тошкент хусусий эркаклар лицейида қабул имтиҳонлари бошланяпти. 14 майгача мурожаат этишингиз мумкин.

МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўчаси, 307-мактаб.

Тел: 68-58-26.

Дарвоқе, имтиҳонлар 6-синфлар учун — 15 май соат 9.00 да, 8-синфлар учун эса 16 май соат 9.00 да бошланади.

Ўтиш даври сабоқлари

ГАПНИНГ БЎЛАРИНИ АЙТИНГ

Биринчи котиб маърузасини тугатди. Музокаралар бошланиш чоғи ҳоким 26 бетли ҳисоботни қўлига олиб, бир-бир варақлаб ўтирди. Сўзга чиқаркан нутқини маърузага баҳо беришдан бошлади:

— Маъруза чўзилиб кетган, бир пайтлар комсомол йиғилишларида ўқиладиган ортиқча, ишга тааллуқсиз иборалар кўп ўрин олган. Бу эса вақтимизни ҳам олади.

Гапнинг бўларини айтиш керак-да энди. Зеро амалиётга фойдаси тегсин.

Тошкент вилояти Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг XXVI конференциясида вилоят ҳокими ўз гапларига ўзи ўрнак бўлди:

— Ёшлар — уйсиз. Уларни бошпана билан таъминлаш даркор. Нима қилиш керак? Қурилиш қиммат. Вилоятда аҳоли зич жойлашган. Янги уйлар қуришга ортиқча ер йўқ. Бир қатор туманларни айланиб юриб, қаерларга уй қуриш мумкинлигини топдим. Буни амалга ошириш режаларини ўйладим. Ҳозир шу тўғридаги лойиҳалар устида ишланмоқда. Ёшлар уй билан таъминландими, энди улар ўртасида ишсизлик муаммосини ҳал қилиш керак. Бунинг ҳам иложлари кўрилмоқда. Янги тушган посёлкалар қошида кичик корхоналар, комбинат-цехлар, қишлоқ хўжалигида алоҳида ёшлар жамоалари ташкил қилинади.

Жиноятчилик ёшлар орасида ҳам учраб турибди. Сабаби, катталарга қараганда кўпроқ ёшлар яхши кийингиси, ясаниб уёқ-буёққа боргиси келади. Кунма-кун бекорчилик кайфиятига таъсир қила бошлайди. Аста-секин маънавияти бузилади. Ҳаёлига бўлмағур ғоялар — ўғрилик, қаллоблик, ҳаром-хариж ишлар келади. Шундай қилиб бошига минг бир балони сотиб олади.

Биродар — дўстлар. Ҳозирги иқтисодий мураккаб бир шароитларда қўлни-қўлга бериб, қаттиқ ишлашимиз керак. Ҳаётни иложи борича яхши томонга буриб юборайлик. Токи муаммолар, оғир аҳвол салбий ҳолатларга олиб келмасин. Кўнгилни пок тутиб, ҳалол бўлишни истамаганлар билан вақтида ҳисоблашиб қўйайлик. Инсоф билан, виждон билан ишлашга ўрганайлик. Ўрганмаганларни мажбурлайлик. Вилоятда жиноятчилик, гуруҳбозлик, халқ ҳақига хиёнат қилиш каби иллатлар таг-томири билан қурисин.

Ҳоким ёшлар ҳузурида бир қатор тадбирларга тўхталиб, очиқ, дангал фикрлар билдиришига асоси бор эди, албатта.

Ҳар қандай мулоҳазали раҳбар биладики, у етакчилик қилаётган вилоятда ижтимоий-иқтисодий ҳаётни истаса, истамаса ёшлар белгилайди. Биринчи навбатда ёшлар тарбиясига эътибор бериш ҳаётига ғамхўрлик қилиш, уларни ишлашга ўргатиш вилоятнинг турмуш тараққиётини, истиқболини кўзлаш дегани эди.

Ҳокимнинг нутқига монанд гапларни Паркент туман ташкилоти котиби Ғафуржон Раҳимшиқов давом эттирди:

— Тенгдошларимизда энг аввало миллат тушунчасини, миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуларини чуқур сингдириб бормас эканмиз, қилаётган ишларимиз, барча ҳаракатларимизни беҳуда, деб биламан. Ҳарбий хизматдан бўйин товлаш, аскарликдан қочиш ўзбек йигити учун қанчалик уят. Аммо бугунги кунда буни ҳазм қилишга мажбурмиз.

Собиқ Иттифоқ даврида ҳар қандай оғир, кўз кўриб қулоқ эшитмаган вазиятларда йигитларимиз ҳарбийликни ўтаб қайтишган эди.

Миллати, Ватани учун қайғурмаган ҳар бир йигит-қиз эртага халқига ҳар қадамда хиёнат қилади. Бу иллат эса азалабаддан ўзбек халқига ёт бўлиб келган.

Пойтахт вилояти ёшлари Иттифоқ ташкилотининг XXVI анжуманига йиғилиб, кун тартибидаги масалаларни жиддий муҳокама қилишади, дейишса, дарров ишонасиз. Нега жиддий? Шунчаки, номига эмас! Чунки мазкур ташкилот ҳамиша ташаббускорлиги, янги ғоя ва фикрлар билан яшайдиган, ишда илғор тадбирларни қўллай оладиган ва энг кўп аъзони бирлаштирган, бир сўз билан айтганда «гигант» ташкилот бўлиб келди. Фикримизни далиллаш учун эса унинг энг яхши ишлари, хайрли тадбирларини газетамизда ёритганимиз, кўпгина амалий — кўргазмали семинар кенгашларида қатнашиб, ташкилот ёшлари билан мулоқотда бўлганимиз, уларни яқиндан таниганимизни мисол қилсак бўлади.

Ташкилот ишлари қанчалик яхши йўлга қўйилиши билан бир вақтда шунчалик муаммолари ҳам бор эди. Яъни иши каттанинг, ташвиши катта. Бир ҳисобда унинг равнақи учун имкониятлар етарли. Пойтахт вилояти... Тараққиёт анча илгарилаган, йирик саноат, қишлоқ хўжалигига, завод, фабрикалар каби турли ишлаб чиқариш корхоналарига эга. Аҳолининг турмуш маданияти анча юқори, яшаш, ишлаш учун шарт-шароитлар бошқа вилоятларга қараганда сезиларли даражада фарқ қилади. Шуларни назарда тутсак, Тошкент вилояти Ёшлар Иттифоқи ҳамиша наъмунавий бўлиб қолиши керак.

Муаммолари хусусида айтсак, пойтахтдаги ташкилотнинг ўзига яраша яхши, ёмон томонлари бўлади. Яъни жуда «онгли» бўлиб кетган ёшлар аҳлоқи тубанлашуви, халқ қадриятларига ҳурматсизлик, оилавий можаролар, ишёқмаслик, текинхўрлик, жиноятчилик урчишига олиб келади. Ҳаммага маълум, марказ шароити, фан-техникани ривожланиши, аҳолининг зичлиги баъзан ишсизлик туғдирса, шунингдек, ёшлар ижтимоий турмушига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Ёшлар қўмиталарининг молиявий аҳволи танг бўлиб қолиши эса мавжуд қийинчилик ва муаммоларнинг тугунига айланди. Пул маблағлари етишмовчилиги туфайли вилоят шаҳар ва туман қўмиталарида масъул ходимларнинг сон жиҳатдан қисқариши ва тузулмавий ўзгаришлар жараёни бошланди ва ҳанузгача давом этмоқда.

Ўтган XXV ҳисобот-сайлов конференциясидан сўнгги даврда вилоят ёшлар ташкилотида ижобий ўзгаришлар томонига силжиш бўлгани йўқ. Ташкилот ҳаётида рўй берган ўзгаришлар туфайли ташкилот аъзоларининг сони кескин камайиб кетди. Умумий ҳисобда аъзолар сонининг қисқариши йилига 10,9 фоизни ташкил этади, 1993 йилнинг 1 январига нисбатан вилоят ташкилотида аъзолар сони 141, 976 нафарни ташкил этади. Бошланғич ташкилотларда аъзоликка қабул қилиш кескин пасайиб кетди, жумладан Қибрай, Чиноз, Бекобод, Янгийўл, Оҳангарон, Тошкент туман қўмиталари, шаҳар қўмиталарида аъзоликка қабул қилиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Тан олиш керак, вилоят қўмитаси ҳам ўз навбатида зарурий назорат ишларини сусайтириб юборди. Натижада аксарият бошланғич ташкилотларда ёшлар билан ишлаш, умуман, тўхтаб қолди. Илгари шаклланган анъанага кўра жойларда ёшларни ташкилот аъзолигига қабул қилиш борасида кенг кўламда тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилган бўлса, эндиликда, бу усулдан ҳам тўғридан-тўғри воз кечилди. Натижада ташкилотни «тозалаш» шиори остида ким аъзо бўлишни хоҳласа — райкомга келади, деган тушунча одат тусини олди. Бундай ҳол, айниқса, аъзолик гувоҳномаларини алмаштириш жараёнида яққол намоён бўлди. Оқибатда эса, аксарият кўпчилик ёшлар бу ташкилотдан умуман чиқиб кетиш истагини билдирдилар, баъзилари эса, гувоҳномаларни олгач, уни йиртиб ташлаш ёки дуч келган жойга ташлаб кетишгача етдилар.

Ҳисоботчининг маърузасида айтилган ушбу мулоҳазалар ташкилотнинг бугунги аҳволини яна бир кўриниши эди. Шунингдек, баъзан йиғилишларда котиблар маърузаларини тинглаб ўтириб, ўйлаб қоласиз. Ёшлар, жамият, халқнинг неки ғам-ташвиши, ютуғу муваффақиятлари бор, улар ҳисоботига киритилмаган бўлсин. Гўё ҳамма муаммоларга ташкилот жавоб беради. Қўлидан келганини ҳам, келмаганини ҳам айтади.

Ўз номи билан ёшлар ташкилоти ёшларнинг ҳаёти қандай кечаяпти, энг аввало у огоҳ бўлиши, ташвишланиши керак.

Ҳозирча иттифоқнинг энг катта ҳуқуқи, масъулияти ва вазифаси ёшлар номидан гапириш, сўзини кимларгадир тинглатиш. Дастлаб раҳбарларнинг аса-секин жамиятни ёшларга томон юз буришга кўниктириш.

Ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишдан ҳеч маҳал давлат четда турмайди. Давлат олдига уларнинг хоҳиш-истагини етказиш, муаммоларини ечишда ёрдамлашиш, янгиликлар учун ташаббускор бўлиш — ташкилотнинг вазифаси.



Чунки у ёшлар билан бевосита ишлайди, уларнинг ҳаётини яхши билади ва яқинроқ танийди.

Ҳозир Ёшлар Иттифоқи ўзидан ортса-ортмаса ночор, ногирон, ёки кам таъминланган оилали ёшларга хайр-саховат қилади. Маданий тадбирлар ташкил этади. Йигит-қизларнинг илмий-ижодий ишларига руҳан бўлса-да, кўмаклашади. Хуллас, имконияти қадар ишларни амалга оширмоқда.

Шу жиҳатдан олганда ўтиш даври анжуманларида фақат ташкилот аъзолари иштирокчи бўлиб қолмасдан, балки ҳокимлар, турли идора, ташкилот, корхоналардаги вакилларнинг қатнашуви аҳамиятлидир. Бу ерда айтилган гаплар, муҳокама қилинган масалаларни улар эшитишади. Эшитганларни эса бирда бўлмаса, бирда ҳаётга тадбиқ этишади.

Тошкент вилояти ҳокими С. Сайдалиев, вилоят ХДП кенгаши биринчи котиби Ў. Турғунов, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказқўми саркотиби А. Орзиматов, вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси А. Алимов ва бир қатор раҳбарларнинг бугунги анжуманга йиғилиб, ёшлар билан тенгма-тенг музокараларда қатнашиши, вилоятда ташкилотнинг ҳали анча нуфузга эга эканлигини билдиради.

Биз ташкилотнинг ёшлар орасида обрўси тушиб кетди, деган иборани кўп ишлатардик. Энди у нафақат ёшлар, балки давлат олдида ҳам мавқеини мустаҳкамлаб олишга интилиши керак.

Биринчи котиб сифатида яқиндагина иш бошлаган ва кеча қайта сайланган Наима Жабборова, конференцияда котибликка кўтарилган Ғафуржон Раҳимшиқов ва барча иттифоқ ходимлари ташкилотга бўлаётган эътиборга яраша ишда янада илдамроқ ҳаракат қилишлари зарурлиги албатта фойдадан ҳоли эмас.

М. ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Туркистон» мухбири.

ШОГИРДЛАР ТАНТИЛИГИ

Тошкентда «Оталар чойхонаси» очилгандан бери бу ердан одамларнинг оёғи узилмай қолди. Қисқа вақт ичида бу даргоҳ не-не тадбир, тантана, байрамларнинг гувоҳи бўлмади, дейсиз. Эзгу ишнинг кечи йўқ, дейди халқимиз. Биз айтишимиз мумкинки, эзгу ишнинг чеки ҳам йўқ. Айниқса, бир тоифа одамларимиз борки, биз улар учун ҳар қанча ҳурмат, эътибор қилмайлик ўзимизда қониқиш ҳосил қилмаймиз. Булар — Улуғ Ватан уруши қатнашчилари.

Шу куни улар «Оталар чойхонаси»да Ғалаба кунига бағишлаб ўтказилган байрам маросимининг энг эъзозли кишилари бўлдилар. Тадбир Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг саъйи-ҳаракатлари натижаси бўлди. Бошқарманинг ўз фахрийлари билан ўтказган бу тадбирига турли йилларда ишлаб кетган, Ватан уруши қатнашчилари бўлмиш тиббиёт ходимлари таклиф этилдилар.

— Биз сизнинг шогирдларингиз, — деди Соғлиқни сақлаш вазирининг муовини, Бош бошқарма бошлиғи Қулаҳмад Ризаев фахрийларни табриклаб. — Бугун сизларга ҳисобот бериш учун тўкин дастурхон атрофига таклиф қилдик. Бугунги тиббиётимизнинг ютуқлари фақат Сизлар туфайлидир. Устозларимиз, урушда заҳмат чекканлар олдида доимо таъзимдамиз.

Кўксиларида нишонлари ялтираб турган уруш йилларининг шафқат ҳамширалари, не-не ярадорларга умр бағишлаган отахону-онахонлар ҳузурига таниқли санъаткорлар ҳам ташриф буюришганди. Хайрулла Лутфуллаев, Олимжон Орифжонов, Муҳриддин Ҳолиқовлар қўшиқлари билан, «Ором» болалар боғчаси тарбияланувчилари қувноқ рақс ва гуллари билан, Муқимий театри актёрлари маҳоратлари билан дил табрикларини изҳор қилишди.

«Оталар чойхонаси»даги суҳбат, учрашув кечгача давом этди. Ҳақиқий байрам бўлди.

Нодир МАҲМУДОВ.

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

ХОРИЖДА НИМА ГАП?

БОСНИЯ ва Герцеговинадаги урушни уруш йўли билан ҳал этиб бўлмайди, деди собиқ Югославияга бағишланган халқаро конференция мувофиқлаштириш қўмитасининг раисларидан бири Лорд Оуэн. «Можарони музокара йўли билан ҳал этишга эришмоқ керак. Босниядаги серблар, хорватлар ва мусулмонлар бундан буён ҳам биргаликда яшашлари лозим», — деди у.

ОВРУПОНИНГ бир қанча мамлакатлари бўйлаб сафар қилиб юрган Жанубий Африка африкаликлар миллий конгрессининг президенти Нельсон Мандела бугун Боннга ташриф буюради. У ГФР канцлери Гельмут Коль ва ташқи ишлар вазири Клаус Кинкель билан маслаҳатлашади. ЖАРдаги ички сиёсий вазият суҳбатларнинг бош мавзуи бўлади.

ИНДОНЕЗИЯНИНГ Денпасар шаҳарчасида қўшилмаган мамлакатлар иқтисодий ҳамкорлиги доимий қўмитасининг учрашуви бошланди. Учрашувдан кузатилган мақсад жанубдаги ривожланаётган давлатларнинг ўзаро алоқаларини аниқ ҳаракат дастурлари билан тўлдиришдан иборат. Қўмитага Осиё, Африка, Оврупо ва Лотин Америкасидаги 37 та давлат киради. Бу галги учрашув қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг бултур сентябрь ойида бўлиб ўтган Жакарта конференциясининг якунловчи ҳужжатларини амалга ошириш йўлида қўйилган биринчи қадамдир.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ТУҒИЛГАН КУНДА ИНФАРКТ

● АҚШНИНГ Нью-Жерси штатида яшовчи тадқиқотчи дўхтир Алан Вилсон Калифорнияда бўлган кардиологларнинг йиллик конференциясида шу нарсани маълум қилдики, эркаклар учун кўпинча (21 фоиз) инфаркт хавфи туғилган кунида содир бўларкан.

Инфарктнинг туғилган кунга тўғри келишининг сабаби эса дўхтирнинг айтишича, шу кунги дўстлар йиғинида ўта ҳаяжонланиш, кўп ичиш ва чекишдир.

Умуман олганда, дейди Вилсон, инфаркт асосан туғилган кунларда, байрамларда кўпаяди. Масалан, Янги йил куни 16 фоиз, АҚШнинг мустақиллик байрамида 17 фоиз, Пасха кунида эса 28 фоизга ортиб кетади, деб хабар беради «Озодлик» радиоси.

ИЛОН ЧАНГАЛИДАН ҚУТҚАРИБ ҚОЛДИ

● ГАПНИНГ очиғи ботирлик ҳамманинг қўлидан келавермайди. Ҳинд океани қирғоғида жойлашган Дарлинг қишлоғида яшовчи Патрик Мукавале ҳақиқий жасорат кўрсатди.

Воқеа бундай бўлди. Ўша қишлоқда икки ёшли бола йўқолиб қолди. Бутун қишлоқ аҳли уни излашга тушди. Бир соат ўтгач, болани улкан бўғма илон чангалида кўришди. Ҳамма тум-тарақай бўлиб қочиб кетди. Фақат Патрик Мукавалегина уч метрли илонга қарши жанг бошлади. У катта тошни олиб илонни дуч келган жойига ураверди. Охири илон ўз чангалидан ўлжасини (болани) қўйиб юборишга мажбур бўлди.

Бизнинг суҳбатдошимиз Шуҳрат Иброҳимов. У Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистонидаги Жидда шаҳрида жойлашган ваколатхонасининг консули. Тошкент Давлат дорилфунунининг Шарқшунослик куллиётини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича арабшунос. Собиқ СССРнинг Яман Араб Республикасидаги ваколатхонасида икки марта масъулиятли лавозимларда ишлаган. Бундан ташқари фирқа ва комсомол Марказқўмида, республика Олий Кенгашида, Ташқи ишлар вазирлигида фаолият кўрсатган...

У билан анчадан бери танишмиз. Оилапарвар, яхши инсон. Чинакам дипломат. Шунинг учун ҳам Тошкентга келган кунларида бўлиб ўтган суҳбатимиз енгил кўчди. У бизга қисқа муддатли фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

Шуҳрат ИБРОҲИМОВ:

«ХАЛҚИМИЗГА МЕҲР-МУҲАББАТЛАРИ ЧЕКСИЗ»

— Мана, қарийб олти ойдан буён Саудия Арабистонининг Жидда шаҳридаги ваколатхонасида консулман, — дейди Шуҳрат Билолович. — Авваламбор мустақил Ўзбекистонимизнинг хориждаги илк дипломатларидан бири бўлганлигимдан фахрланаман. Бу бизга юксак масъулият юклайди. Ахир шу озод Ватанимиз истиқболини кўра олмай қанчадан-қанча элдошларимиз армон билан бу дунёдан ўтиб кетгандилар. Буни кўҳна араб мамлакати тупроғига илк қадам қўйган пайтданоқ ҳис қилдим. Чунки хориждаги юртдошларимиз ҳур Ўзбекистоннинг мустақиллигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар. Мен билан учрашган ватандошларимизнинг қалбларидаги қувончларни сўз билан ифода этолмайман. Улардаги она-Ватанга бўлган бекиёс меҳр-муҳаббат, фидойилик, соғинч ҳиссини сўз билан тасвирлаш қийин.

Айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг ўтган йили апрель ойида Саудия Арабистони подшоси Фаҳд бин Абдул Азиз ал Сауднинг таклифига биноан бу мамлакатга қилган расмий ташрифи чоғида барча ватандошларимизнинг хонадонида байрам бўлади, десам муболаға бўлмас. Ўша вақтдан бери мана бир йилдан ошиқроқ вақт ўтган бўлса ҳам, ҳамон ўша унутилмас кунлар ватандошларимизнинг тилидан тушмайди. Ҳар бир суҳбатда Президентимиз шаънига илиқ сўзлар айтилади, мустақил Ўзбекистонимиз равнақи йўлидаги ишларида куч-ғайрат, сабот-матонат тилаб ўтирадилар.

Ташриф чоғида икки қардош мамлакат ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш ҳамда тарихий ва маданий алоқаларни қўллаб-қувватлаш муддаосидан келиб чиқиб, томонлар иқтисодий, савдо, техника, сармоя, ёшлар ўртасида ва спорт соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш масалаларини кўриб чиқдилар.

Ўша унутилмас ташрифдан сўнг ўзаро алоқалар ривожланиб кетди. Тошкент — Жидда шаҳарлари ўртасида мунтазам самолёт қатнови йўлга қўйилди. Чунки биргина Саудия Арабистонининг ўзида баъзи маълумотларга кўра 600—700 минг туркистонлик яшайди...

Энди ваколатхонамиз очилишига келсак, консуллик икки мамлакат Ташқи ишлар вазирларининг ўзаро келишувига биноан ташкил этилди. Бу билан республикамиз Ислом дунёсининг энг муқаддас даргоҳлари жойлашган мамлакатига ёруғ юз билан ўзига йўл очди. Эндиликда Саудиядаги ватандошларимиз ўз она юртларига келиб-кетиш имкониятига муваффақ бўлдилар. Ўз навбатида Ўзбекистондан Саудияга ташриф буюрган юртдошларимизга бош-қош бўламиз. Уларнинг холис ниятлари, зиёратлари ҳосил бўлишлари, ҳар йили ўтадиган ҳаж сафарлари кўнгилдагидек ўтиши учун қўлимиздан келган барча ишларни қилаётирмиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришганига бир ярим йилдан ошган бўлса ҳам, ҳали республикамиз ҳақида жуда кам билишади. Ахборот етарли эмас. Ҳар куни ваколатхонамизга ватандошларимиз, Мадинада таълим олаётган талабалар келиб, республикамизда бўлаётган янгиликлар, воқеалар ҳақида сўраб-суриштириб туришади. Ҳатто, крилл ҳарфларини билишмаса ҳам ўзлари ўрганиб олиб, бу ерга юборилаётган «Туркистон» газетасини ўқиб туришади. Ўйлардимки, шу мамлакат учун, умуман араб дунёсига мўлжалланган араб алифбосида ҳам арабча, ҳам эски ўзбек ёзувида «Ўзбекистон янгиликлари» ёки «Ўзбекистон хабарлари» номли ҳафталик чиқарилса кўнгилдагидек иш бўларди. У ўзини ўзи маблағ билан қоплайди, деб ўйлайман. Чунки обуна бўлишни хоҳловчилар кўп. Бу имкониятдан ўз вақтида фойдаланиш керак. Яна бир таклиф. Ар-Риёдда ёки Жиддада Ўзбекистон ахборот агентлигининг мухбирлар бўлимини ҳам очиш керак.

Ҳозирги кунда асосий алоқалар кўпинча диний йўл билан амалга оширилаётир. Лекин, Саудия Арабистони фақат диний мамлакат бўлибгина қолмай, балки юксак тараққий этган давлат ҳамдир. Бу мамлакат ҳудудининг асосий қисми саҳролардан иборат бўлса ҳам экинлардан шундай юқори ҳосил олаяптиларки, кўриб хайрон қоласиз. Ҳатто, чет элга кўплаб ғаллани ҳам экспорт қилишади.

Ёшлар учун янада кўп ишлар қилиш мумкин. У ерда ёшлар билан ишлаш қўмитаси бор. Бизнинг Ўзбекистон Ёшлар ташкилотлари қўмитаси ёки Ёшлар Иттифоқи Марказқўми ўзаро алоқаларни йўлга қўйса, нур устига аъло нур бўларди. Спорт ташкилотлари ҳам бу соҳада кенг фаолият кўрсатишлари мумкин. Уларда ҳам шундай футбол жамоалари бор. Манаман деган жамоалар билан беллашишлари мумкин. «Пахтакор» командаси билан ўзаро ўртоқлик учрашувларини ташкил этсалар кўнгилдагидек иш бўларди.

Кўриб турибсизки Саудия Арабистони муқаддас диний зиёратгоҳлар манзилгоҳи бўлиб қолмай, балки ишбилармонлар, турли ташкилот ва идоралар, билим даргоҳлари, тижоратчилар учун ҳам очилмаган қўриқдир. Биз эса бу ерга ташриф буюрган юртдошларимиз учун қўлимиздан келган барча ишларни қиламиз. Чунки, Саудия Арабистони ҳукумати халқимизга ва унинг раҳбариятига катта меҳр-муҳаббат билан қарайди.

Суҳбатдош Р. ЖАББОРОВ.

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● **РУМИНИЯ** Бош вазири Николае Вэкэроюю билан мамлакатдаги олтита энг катта касаба уюшма конфедерацияларининг раҳбарлари узоқ давом этган музокаралардан кейин иш ташлашни тўхтатиш ҳақидаги битимни имзоладилар.

● **ЖАНУБИЙ** Африканинг Трансвааль вилоятидаги оқ танли фермерлар ўзини ўзи мудофаа қилувчи отрядлар тузишди, комендантлик соати жорий этишди ва барча нотаниш кишиларнинг улар қўриқлаётган зонани тарк этишларини талаб қилишди. Бойлик орттиришдан ташқари ирқий сабаблар билан оқ танлиларнинг хўжаликларига тез-тез безориларча ҳужум қилинишига жавобан шундай чора кўрилди.

● **ПАРАГВАЙДАН** олинган дастлабки норасмий маълумотларга қараганда, якшанба куни мамлакатда кейинги 48 йил мобайнида биринчи марта президент сайлови ўтказилди. Унда ҳукмрон «Колорадо» партиясининг вакили Хуан Карлос Васмоси ғалаба қилди.

● **МЕКСИКАДАГИ** Нотимекс ахборот маҳкамасининг хабар қилишича, Гватемала ҳукумати вакиллари билан қўзғолончилар ўртасидаги сулҳ музокаралари давом этмоқда. Қўзғолончиларнинг ҳукумат армиясини қисқартириш ҳақидаги лойиҳасини Гватемала ҳарбийлари рад қилганлар. «Армия мағлубларнинг бирон-бир шартини қабул қилишнинг иложи йўқ, деб ҳисоблайди», деди мудофаа вазирининг ўринбосари генерал Луис Кило.

● **НИКАРАГУАДА** қаттиқ жала қуйиши натижасида мамлакат пойтахтининг анчагина қисми вайрон бўлди. Мексика телевиденеси орқали эълон қилинган маълумотларга қараганда, табиий офат натижасида уч киши ҳалок бўлган, яна уч киши бедарак йўқолган. Дўл аралаш қуйган жала Манагуа шаҳридаги иморатларнинг тўртдан уч қисмини шикастлантирган. Камбағаллар яшайдиган даҳалар энг кўп зиён кўрган.

● **РОССИЯ** ва Қувайт ўртасида тўлақонли иқтисодий ҳамкорликка фақат сармоя қўйишга кафолот йўқлиги тўсқинлик қилаяпти. Турли соҳалардаги муносабатларни ривожлантиришнинг аниқ режалари тайёрланган.

Бу ҳақда Москвада бўлиб ўтган матбуот конференциясида Қувайт ташқи ишлар вазирининг муовини Сулаймон аш-Шахин маълум қилди.

● **ФРАНЦИЯ** ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Босния сербларн Вэнс-Оуэннинг можарони тинч йўл билан ҳал этиш режасига қўшилмаганликлари учун таассуф билдирди.



ИНСТИТУТДА ОЛИМПИАДА

Пойтахтдаги Молия институтида бир неча фанлар бўйича (иқтисод назарияси, макроиқтисод, микроиқтисод, пул муомаласи ва кредит, молия, бухгалтерия ҳисоби...) олимпиада бўлиб ўтди.

— Олимпиадада институтимиздаги барча талабалар фаол иштирок этишди, — деди олий даргоҳнинг илмий ишлар бўйича проректори Аҳмаджон Ўлмасов. — Унда талабалар томонидан тайёрланган 190 та доклад тингланди. 40 нафар студент иши ўтказилаётган олимпиадада муносиб тақдирланди. Мазкур тадбир олимпиаданинг биринчи босқичи миқёсида ўтди. Институт олимпиадани ўтказиш комиссияси томонидан энг яхши деб топилган ишлар навбатдаги босқичга ўтказилади.

Мана шу тадбирнинг ўзиёқ ўқув даргоҳида иқтидорли ёшлар талайгина эканлигини кўрсатди. Домлалар ҳам хурсанд бўлдилар. Ахир улар ўз ишларининг натижаларини, сабоқлари бесамара кетмаётганлигини кўриб туришгандида.

СУРАТЛАРДА: молия институтида бўлиб ўтган фанлар олимпиадасидан лавҳалар.

Матн ва суратлар муаллифи
Муҳаммад АМИН.

ПУЛ МУОМАЛАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА РЕСПУБЛИКА ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

8. Ўзбекистон Республикаси корхоналари, ташкилотлари (савдо ва аҳолига пулли хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан ташқари) рубль тарзидаги нақд пулга мол-моддий бойликлар бериш ва хизмат кўрсатишни тўхтатсинлар. Ўзбекистон Республикасининг банк муассасалари уларда касса талабномаларидагидан ортиқча нақд пул қандай пайдо бўлгани аниқлангунга қадар бу пулни алоҳида ҳисоб варақасига ёзиб қўйсинлар.

Касса операцияларини юритиш қоидаларига риоя этмаслик ҳоллари аниқланган тақдирда банк муассасалари, молия органлари мазкур тартиббузарликка йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан уч ойлик мансаб маоши миқдорида жарима солсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси банк муассасалари, алоқа бўлимлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги 166-сон қарори сўзсиз бажарилишини назорат қилишни кучайтирсинлар ва таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасида яшамайдиган шахсларга автомототранспорт, шу жумладан, ишлатилган автомототранспортдан фойдаланиш ва уларни сотиш ҳуқуқини берувчи ишончнома расмийлаштиришни вақтинча тақиқлаб қўйсин.

11. «Ўзшартномасавдо» давлат уюшмаси, таъминот-сотиш, савдо ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа хўжалик субъектлари МДҲнинг ўз миллий валютасини чиқариш ниятида бўлган мамлакатлари тегишли хўжалик идоралари билан маҳсулот етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш юзасидан илгари тузилган шартномаларни ўз вақтида қайтадан кўриб чиқсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхоналар қўмитаси (ўртоқ Абдуғаниев): республика ташқарисига мол-моддий бойликлар фақат белгиланган тартибда, шу жумладан, ҳукуматлараро битимлар юзасидан берилган рухсатномалар асосидагина чиқарилсин, бунинг учун олдиндан албатта ҳақ тўлаб қўйилган бўлиши (олдиндан ҳақ тўлаш тартиби банклар ўртасидаги битимлар билан белгиланади) ёки моллар бартер усулида ҳамда клиринг бўйича илдамроқ етказиб берилиши шарт;

Чорва ва паррандаларни республика ташқарисига чиқариш вақтинча тақиқлаб қўйилсин;

Мол-моддий бойликларни қонунга хилоф равишда олиб чиқиш, рухсатномалар бериш ва бошқа тарздаги тартиббузарлик юзасидан аниқланган ҳамма далиллар умумлашган ахборот тарзда ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва ҳокимликларга юбориб турилсин.

13. Мол-моддий бойликлар қонунга хилоф равишда олиб кетилишига йўл қўймаслик мақсадида божхона постлари бўлмаган жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ва маҳаллий кенгашлар депутатларини, посёлка, қишлоқ кенгашлари ва маҳалла қўмиталари фаолларини жалб этиб, мувақкат қўшимча постлар ташкил этсинлар.

Ушлаб қолинган юк ва бошқа моддий бойликлар айбдор шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ чора кўриш учун ҳудудий божхона маҳкамаларига мажбурий тартибда топширилсин.

14. Вазирлар Маҳкамаси (ўртоқ Жўрабеков) собиқ СССР республикаларидан саёҳатчиларнинг уюшган ҳолда ва уюшмаган тарзда республикага келиши ва бу ерда бўлишини тартибга солиш масалаларини бир ҳафта муддатда кўриб чиқсин.

15. Ҳаво транспортида юк олиб юриш меъёри 40 килограмм (шундан бепули — 20 килограмм) темир йўл транспортида 60 килограмм (шундан бепули — 36 килограмм) қилиб белгилансин.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиация компанияси, Ўрта Осиё темир йўли Ўзбекистон Республикаси божхоналар қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда юк олиб юришнинг белгиланган меъёрига қатъий риоя этилишини таъминласинлар.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 22 декабрдаги 584-сон қарорига 1-илованинг бешинчи бандидаги 2-абзац ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 28 декабрдаги 593-сон қарори учинчи бандидаги 3-абзац амал қилиши 1993 йил 10 майдан бошлаб бекор қилинсин.

17. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил, 5 май.

Қилмиш-қидирмиш

ИШБИЛАРМОН НИҚОБИДАГИ ЛЎТТИБОЗЛАР

Ўғрилар, қўштирноқ ичидаги тадбиркор ишбилармонлар Ўзбекистондан чет давлатларга ташиб кетаётган мол ва маҳсулотларни санаб саноғига етиш мушкул бўлиб қолди. Мўмай даромад, шахсий чўнтак дарду-касалига мубтало бўлган айрим шахслар, тижорат фирмалари-ю, кичик корхоналар, ҳатто қўшма корхоналарнинг масъул ходимлари республикамиз бойлигини, халқнинг ризқу-рўзини юлқиш билан машғул.

Қуйида ана шундай лўттибозларнинг айримлари фаолияти билан танишасиз.

МИЛТИҚ БИЛАН РЎБАРЎ

Бугун «ишбилармонлар» кўз олайтирган буюмлар орасига мис ҳам қўшилди. Уни маъдан холидами, машина-механизмлар учун ясалган эҳтиёт қисмлар шаклидами ёки металлолом ҳолидами — қандай бўлмасин йиғиб-териб четдан келган харидорларга пуллаш авжига чиқди. Унинг нархи 1 тоннасига олтмиш минг сўмга етди-да.

Шу йилнинг 27 январь куни ана шундай мисфурушлардан навбатдагисини қўлга тушириш учун ўтказилган тадбир ҳам, гарчи ходимларимиз ўқотар қурол билан рўбарў келган бўлсалар-да, муваффақиятли тугади. Бизда тўпланган мавжуд маълумотларга кўра, Тошкент шаҳрида яшовчи Улуғбек исмли шахс — КамАЗ ҳайдовчиси рангли металлар сотиб олиш билан шуғулланаётгани қайд қилинган эди. У Олмалиқ шаҳрига кўп миқдорда ароқ олиб келиб, у билан таниш-билишларини сийлаб, мис йиғиш тўғрисида топшириқлар берган. Нархи, юқорида айтганимиздек — тоннаси 60 минг сўм.

Кузатишларнинг кўрсатишича, Олмалиқ, Оҳангарон, Пскент, Оққўрғон томонлардан тўпланган мис Олмалиқ шаҳрида, Известковая кўчасидаги 5-уйда яшовчи «ЛУЧ» ширкатининг бетончиси Владимир Ермоловнинг уйига туширилган.

Хуллас, 28 январь куни 57—58 ТШП давлат номерли «ТАТРА» юк машинаси (Олмалиқдаги 80-автокорхонага қарашли) ортидан тушиб, у тўхтатилганида, ҳайдовчи Фанис Шайдуллиннинг ёнида ўтирган шахс Абдусамат Курчиев кабинадан сакраб тушиб, божхона ходимларига қирқма милтиқнинг оғзини рўпара қилди. Бузоқнинг югургани сомонхонагача... Машина кузовини қаралганда, унда 2 тонна атрофида мис бор экан.

Пскент туманидаги Муротали қишлоғида яшовчи А. Курчиевнинг тушунтиришича, у бунча мисни акаси — «Олтинтопган» маъдан конидан қурилиш материаллари омборининг мудири Абдумалик Курчиевнинг ёрдамида олибди.

Юк мусодара этилди, А. Курчиевга 10 минг сўм жарима солинди. Материаллар қонун асосида чора кўриш учун Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлимига топширилди.

ОЛТИАРИҚНИНГ СЕҲРЛИ ТУРПЛАРИ

Турп ҳам сеҳрли бўлар эканми, деяпсизми? Бўлар экан. Биз учратган Олтиариқ турпини «очил дастурхон» дейиш ҳам мумкин. Уни шундоқ бир четидан кўтарсангиз, тагидан Ўзбекистоннинг бор неъматлари чиқиб келаверади, чиқиб келаверади — кўзларингиз қамашиб кетади.

Шу йил 12 февралда 18-постимиздан хабар келди: Вилоят ҳудудига иккита КамАЗ юк машиналари кирди. Бири 63—34 ТШН номерли, Узагропромнинг марказлашган юк ташиш базасига қарашли. Ҳайдовчиси Равшан Абдураҳмонов, иккинчиси Ваҳобжон Қодировга қарашли С 62—46 ТШ номерли юк машинаси. Иккаласига ҳам турп ортилган. Бу хабарни берган постдаги ходимларимиздаги мавжуд маълумотларга кўра, турпнинг тагида бошқа қимматбаҳо камёб моллар бор ва уни Қозоғистон шаҳарларидан бирида эгалари кутмоқда.

Хуллас, машиналар тўхтатилиб, ҳайдовчилардаги ҳужжатлар кўздан кечирилди. Ҳужжат деганимиз бор-йўғи Янгиқўрғон қишлоқ шўросидан Ж. Тожибоев, А. Пўлатов ва Тожибоевларнинг томорқалари борлиги ҳамда 1993 йил 12 февралда бу томорқада етиштирилган турпларда нитратнинг миқдори тўғрисидаги маълумотномалар бўлиб чиқди.

— Хўш, йигитлар, турпни бошқа давлатга олиб бориб сотиш учун рухсатномалар қани?

— Ие, ака, бошқа давлатингиз нимаси, биз буларни Тошкентга олиб кетаяпмиз, эгалари Тошкентда кутишаяпти.

Эски ашула. Одамнинг соддаси шунчаликки, бизнинг бу айёрлигимизга манави божхона ходимлари лаққа тушади, деб ўйлашади. Гоҳида, бунақа важларни эшитиб кулгинг қистайди-ю, «ёлғон гапираяпсиз» дея олмайсан. Ёлғоннинг ёлғонлигини жойида исботлаш керак. «Жойи»га эса ҳали бироз бор. Ноилож, ўша манзилгача кузатамиз уларни.

Юқоридаги ахборотни олгач, машиналарни вилоят ҳудудида чегарасигача пинҳона кузатиш тўғрисида 18-пост йигитларига топшириқ бердим. Рация орқали улар билан мунтазам мулоқотда бўлиб турдим. Машиналар Янгийўл шаҳрига боргач, ҳайдовчилардан бирининг уйи олдида тўхташди. Шундан сўнг уларни назорат қилишга иккита тезкор гуруҳни сафарбар этдим. Чунки, вазият ҳар лаҳзада қалтис тус олиши мумкин. Воқеанинг ривожи қўлимиздаги маълумотлар ва тахминлар асоссиз эмаслигидан далолат берар эди. Юк ортилган машиналар олдига Жамбул ва Чимкент вилоятларининг енгил машиналари келиб, ҳайдовчилар ўзаро нималарнидир гаплашиб кетишарди. Икки машина турпнинг ўзи атрофига бунча жонсарак одамларни тўпламайди...

13 февраль куни, қоронғи тушиши билан «турплар» Тошкент шаҳри томон йўл олишди. Тошкент айланма йўлига тушиб, Тошкент тумани ҳудудида йўналиш хилват қишлоқ йўлига бурилди. Уларни Жамбул номер белгили енгил машина кузатиб бораётганини эътиборга олиб, Қозоғистон чегарасидан берироқда тўхтатиш тўғрисида буйруқ бердим. Тунги соат 2 да машиналар тўхтатилиб, тўғри 14-постга келтирилди. Ҳайдовчилар В. Қодиров ва Т. Абдураҳмонов энди тўғрироқ кўрсатма беришди. Турпни лицензия (рухсатномасиз) Жамбул шаҳрига олиб кетишаётган экан. Ўз вақтида кўрилган тадбирлар натижасида Ж 56—20 ДЖ номерли ВАЗ-2108 автомобилининг ҳайдовчиси Баҳром Қосимов божхона бошқармасига келтирилди. У Жамбулдаги 10-автомобилларга ёнилғи қуйиш станциясида катта оператор вазифасида ишларкан. Унинг ёнида, ўзининг тан олиши бўйича, юкнинг эгаси Фозилжон Одилов бор эди. У Олтиариқ туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида ҳайдовчи бўлиб ишлар экан. Қўшнилари Жамолиддин, Абдулла ва Аъзамжонлар турпни Жамбулда интизорлик билан кутишаётган эмиш.

Олтиариқ ўзининг нокдай хуштаъм турпи билан машҳурлигини ҳаммамиз биламиз. Яна шуни ҳам биламизки, ҳақиқий Олтиариқнинг турпи Фарғонадан, нари борса водийдан ташқарига чиқиши қийин эмиш: уни водийликларнинг ўзлари эгасининг оғзидан чиққан нархда сотиб оларканлар. Бунинг устига, фақат турп эмас, ҳар қандай мол ҳам жойида азиз, деган ҳукматли гап бор халқимизда. Икки машина турп атрофида шунча одамнинг жонсарак кезишининг боиси фақат Олтиариқ турпининг машҳурлигидамикин ёки...

Ана энди, муштарийга юқорида ваъда қилган турпдан «тўқилган» очил дастурхонни очамиз. Вой-бў-ў, дастурхон деганиям шунчалар тўкину сеҳрли бўладими! Ундаги маҳсулотларни санаб адоғига етиш қийин: 37 қути сарёғ, 2 қути маргарин, 380 та бир литрли шишада помидор консервалари, 52 та 9 килограммли металл идишда томат, 12 та 200 литрли металл бочкада пахта мойи, 1050 банка шафтоли компот, ўрик, шафтоли повидлолари, ёрёнғоқ, туршак, 250 та мол ва қўй терилари ва ниҳоят... 5,5 тонна «сеҳрли» турп...

15 турдаги барча маҳсулотлар мусодара қилинди. Ф. Одилов 10 минг сўм, икки ҳайдовчи 7,5 минг сўмдан жарима билан жазоландилар. Жазоларнинг давоми текширув тугагач маълум бўлади. Ф. Одилов шунча маҳсулотни қаердан олганини аниқлаш учун материаллар Фарғона божхона бошқармасининг бошлиғи Б. Раҳмоналиевга юборилди.

ЛИМОН ВА ПОРА

Қибрай туманидаги лимонхона Ўзбекистонга машҳур. Бир неча ўн гектарга ёйилган бу иссиқхонадан кунига ўртача ўн-ўн беш тонна маҳсулот дарвозадан чиқиб кетар экан. Тасанно, офарин! Мана шундай улкан лимонзорни барпо этган Зайниддин Фахриддиновни ҳақли равишда халқ академиги деб атайди халқимиз. Афсуски, эгри қўллар ҳозир у кишининг ўғли Ёвмиддин Фахриддинов раҳбарлик қилаётган ана шу лимонзорга ҳам доғ туширишга уринишган. Тошкент шаҳар Улуғбек туманидаги «Барака» ишлаб чиқариш тижорат фирмаси мутасаддилари 15 тонна лимонни ўша ердан сотиб олиб, Павлодарга гумдон қилаётганда қўлга тушдилар. «Барака» Павлодардаги «Иннам» номли «ҳамкасабаси» билан 20 тонна лимон етказиб беришга шартнома тузган. Ҳар бир килоси 150 сўмдан ва... ҳар килограмми устига 30 сўмдан «хизмат ҳақи». Расмий тилда бу «пора» деб аталади. Павлодарликлар Мухортов фамилияли шахс номидан лимонзор кассасига 2 млн. 276 минг сўм топширишган ва «Барака» директорининг ўринбосари А. Аҳмаджоновга уч марта жами 560 минг сўм пора беришган. Аҳмаджонов эса бу пулни ўз навбатида бир неча кишилар билан бўлишган. Улардан иккитасининг номини аташ жоиз: бири «Узплодоовощпром» концерни бўлим бошлиғи Ольга Новикова. У маҳсулотни республикадан ташқарига олиб кетишга рухсатнома (лицензия) «тўғрилаб» бергани учун 80 минг сўм олган. Иккинчиси — лимонзор бош ҳисобчиси Т. Ташиков. Унга 50 минг сўм теккан. Лимонзор директори Ё. Фахриддинов телевизор экрани орқали бу пулни Ташиковга накладнойнинг тагига қистириб, гўё билдирмасдан ташлаб кетишганини айтди. Бу уларнинг виждонига ҳавола. Бизнинг қўлимиздаги дастлабки тушунтириш хатида эса ўртоқ Ташиков, бор гапни борича ёзиб берган.

Балки муштарийларни ишбилармонлар лицензияни қандай қўлга киритгани қизиқтираётгандир? «Барака»чилар гўё «Иннам» фирмаси «Узхлопкопром» концерни жамоасига картошка келтириб сотгани ҳақида сохта ҳужжатлар тайёрлаб «Узплодоовошпром»га лицензия учун мурожаат қилишган. Вассалом. Савол туғилади: агар «Узплодоовощпром»дагилар ҳужжатлар қалбаки эканини билмаган бўлсалар, Новикова 80 минг сўм порани нима учун олган? Ёки, ҳамма ҳужжатлар тўғри — қонуний бўлган тақдирда ҳам порасиз иш битмайдими?

Тошкент вилоят суди бу жиноий ишни кўриб чиқди. Порахўрликда айбланганлар қонуний жазо олишди.

Фақат, бир гапни эслатиб қўйишни жоиз деб биламиз. Инсоф сари барака! Тошкентда, Ўзбекистонда лимоннинг донаси 50—100 сўм бўлиб турган бир пайтда уни тонналаб — машиналаб четга пуллашнинг пайдо бўлиш, юмшоқ қилиб айтганда — виждонсизлик. Бундайларни халқ қарғайди. Қарғиш эса...

«Барака»га ўхшаш ширкату фирмалар юртимизда шунчалик кўпайиб кетдики, улар орасида халқимизга фойдасидан кўра зарари кўп тегаётгани анчагина экани бугун ҳеч кимга сир эмас. Гапимиз асосли бўлсин учун, ўша тоифадаги ташкилотлардан яна бирининг қилмиши билан танишинг. Бу шунчаки «қўлбола» ширкат эмас, Ўзбекистон — Покистон қўшма корхонаси. Номи — «Лаҳор».

Мазкур қўшма корхона Тошкентда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган цех қурамиз деб банкдан бир неча миллион сўм қарз олган. Сўнг, жонни ортиқча койитишни ўзларига эп кўришмаганми ёки бошидан мақсадлари эгри бўлганми — ишбилармонликнинг бошқача йўлини тутишди: қарзга олинган пулнинг катта қисмига «СИНО» музлатгичларини сотиб олишган. Нарх кун сайин ошаяпти.

Музлатгичлар пана-пастқамда бир йилга яқин сақлангач, шу йилнинг 4 февраль куни ишбилармонлар уни янаям қимматроқ сотиш мақсадида Чимкентга элтишга машина излаб қолдилар. Ниҳоят, Қўйлиқ мавзесида 59—64 ТНН ва 11—77 ТНМ номерли иккита юк машиналарининг ҳайдовчилари билан келишиб, музлатгичларни ортиш учун «Узглавстройдревпром» номли ташкилотнинг ишчилар таъминоти бошқармаси омборига кириб бордилар. Кундуз соат 13 ларда машиналар йўлга тушгач, тезкор гуруҳлар кузатувни давом эттиришди. Тошкент туманининг Қозоғистон билан чегарадош жойидаги постга яқинлашган сайин юк машиналари ҳузурига дам-бадам енгил машиналар келиб, ҳайдовчилар ва кузатувчилар ўзаро нималарнидир гаплашиб машиналарга қайтиб ўтиришар ва йўлда давом этишар эди.

Кутилмаган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун юк машиналарини чегарадан берироқда тўхтатишга қарор қилдик. Чунки, 11-пост олдида негадир чимкентлик милиция ходимлари пайдо бўлиб қолишган эди. Кейин аниқланишича, улар юкни «қабул қилиб олиб», у ёғига кузатиб кетишлари керак экан. Афсуски, бундай «бахт» насиб этмади...

Машиналар тўхтатилди. Бири Собир Раҳимов туманидаги «Заречний» ширкатига, иккинчиси Тошкент шаҳар агросаноат идорасининг махсус автокорхонасига қарашли экан. Уларга ортилган 75 та «СИНО» музлатгичига, албатта, четга олиб кетиш учун ҳеч қандай рухсатнома йўқ. Бироқ, ҳайдовчилар ўзларича «ҳужжатлар» билан яхшигина қуролланиб олишибди: Тошкент — Чимкент — Тошкент йўналиши бўйича аҳолига кира хизмати кўрсатиш тўғрисида йўл варақаси ва Тошкент шаҳар агросаноат идораси махсус автокорхонасининг Чимкент шаҳрига музлатгич элтиш учун буюртма варақаси. Пул бўлса чангалда шўрва, деб шуни айтадилар-да!

Ҳайдовчиларни қўйиб, бу ёқдагилар билан танишинг. Биринчи машинада кетаётган «Лахор» қўшма корхонаси экспедитори Гадилжан Шакирзянов ўзининг ўттиз ёшгача орттирган тажрибасини ишга солди. Юк меники, уни Тошкент туманидаги 1-дўконга олиб кетаяпман, деди. Номери ўтмади. Сўнг, жазаваси тутиб пўписага ўта бошлади. Бу бежиз эмас экан. У босқинчиликда айбланиб «ўтириб» чиққанлиги кейин маълум бўлди. Бу пайтда иккита юк машинаси қаёқдандир пайдо бўлган шахслар билан ўраб олиниб, улар божхона ходимларидан машиналарни қўйиб юборишни талаб қила бошлашди. Улар шундай қилишса, эгнига милиция формасини кийган, камарига ўқланган тўппонча осиғлиқ божхона ходимлари қўрқиб кетишади гўё!

Хуллас, ҳайдовчилардан бошқа ҳамма мутасаддилар аввалига музлатгичлар Қозоғистонга олиб кетилаётганини рад этиб, туриб олдилар. Кейин қўшма корхонанинг ҳисобхонаси ва бошқа жойлардан олинган ҳужжатлар — далилий ашёлар тилга киргач, таслим бўлишди. Хусусан, Чимкент вилоятидаги «Ботир» деҳқон хўжалигига 5 та «Сино» музлатгичи бериш тўғрисидаги накладнойга 5 февралда бош директор М. Нуриллин ва бош ҳисобчи имзо чекишган эди. Шунга қарамай, М. Нуриллин суриштирувнинг охиригача «Йўқ, Тошкент туманидаги 1-дўконга олиб кетаётгандик» дея ўз сўзидан қайтмади. Ботир изидан, мард сўзидан қайтмайди. Қойил. У ўз сўзида туравердсин; музлатгичлар мусодара қилиниб, Қибрай тумани меҳнаткашларига сотиб юборилди.

ХАЗИНАДА ЎТИРГАН ДЎКОНДОР

Шу йил 2 март куни чегарадош постда 54—74 ЧМЛ ва 63—40 ЧМР номерли иккита КамАЗ машиналари тўхтатилганида, уларда 260 қоп (!) биринчи нав ун Қозоғистонга олиб кетилаётгани маълум бўлди. Ҳали тегирмоннинг тафти ҳам сўнмаган. 16 февралда Тошкентдаги 1-нон заводида ишлаб чиқарилган бунча маҳсулот заводдан эмас, бор-йўғи биттагина қишлоқ дўконидан — Тошкент тумани матлубот жамиятига қарашли 20-дўкондан сотиб олинибди. Ходимларимиз уннинг изидан ўша даргоҳга ташриф буюришди. А. Омирбеков ҳар қопини Акмал исмли кишидан бир ярим минг сўмдан сотиб олганини, ҳаммаси 5 минг сўмликдан жами 390 минг сўм берганини айтди. Демак, 240 минг 340 сўм «шапка». Битта операциядан шунча фойда олаётган дўкондорни бунақа бақувват «шапка»лар босиб қолмаганига ҳайрон бўлиб дўконга кириб борганимизда, мудир И. Ҳалимов кроватда оёқ чалиштириб ўтирган эканлар. «Ҳеч қанақа омбор ва ун ҳақида билмайман» деди у тап тортмай. Гап шундаки, 260 қоп ун дўконнинг омборига сиғмайди, уни қандайдир ёғоч омбордан ортиб беришган. Мудирдан уннинг пули — беш минг сўмликлар ҳақида сўралганида, у ҳеч қанақа пул-мулдан хабари йўқлигини айтиб, «бор пулим шу» дея чўнтагидан 18.856 сўмни олиб столга қўйди. Божхона ходимларидан бири пайқадики, мудир ўтирган жойидан туриши қийин бўлаяпти, турса ҳам дарров ўтириб олаяпти. Шундан сўнг у ўтирган кроватдаги тўшак кўтарилди. Унинг тагида нақд хазина бор экан — катта бир бойлам беш минг сўмликлар. Санашди. 660 минг сўм!

— Қанақа пул булар?

— Билмайман, меники эмас.

Бироз савол-жавобдан кейин жаноб Ҳалимов пул ўзиники эканини тан олиб, гўё машина сотиб олишга тайёрлаб қўйганини маълум қилди...

Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
Давлат божхона қўмитаси Тошкент вилоят бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ушбу фактга вилоят ва туман ҳокимлари томонидан жиддий эътибор берилди. Бизга маълум қилишларича, Тошкент тумани матлубот жамияти раиси Мавлуда Қўчқорова, савдо бўлими мудири Нигмон Файзуллаев, катта молшунос Н. Шарипова, дўкон мудири И. Ҳалимов, сотувчилар Х. Очилов, К. Одилов, Б. Зуфаров, М. Ҳошимов, вилоят матлубот жамияти молшуноси Т. Ефимова вазифаларидан бўшатилди.

Мазкур факт бўйича вилоят прокуратурасида жиноят иши қўзғатилди. Вилоят ҳокими С. Сайдалиев туманлар ҳокимлари кенгашида мол ва маҳсулотларни ноқонуний равишда республикадан ташқарига олиб кетувчиларга нисбатан раҳмшафқат бўмаслигини уқтирди.

Бошқа вилоятларда ҳам халқ ризқини четга пуллаб бойлик орттираётганларга нисбатан маҳаллий ҳокимият органлари томонидан юқоридаги каби муносиб чоралар кўрилса, бу борада аллақачон етарли тартиб-интизом ўрнатилган бўлар эди.

Шукр қилишимиз керак. Негаки, Улуғ Ватан урушида қон тўккан, бизнинг шу дориломон кунларимиз учун ёшлигини оловлар ичида ўтказган фахрийларимиз юзида нур, қувонч, лабларида табассум, замонадан қониқиш. Ахир қувонмай бўладими? Фарзандлари, набираларининг ардоғида, давраларининг тўрида улар.

— Мен бахтли инсонман, дея айта оламан, — дейди уруш қатнашчиси Тўйчи ака Йўлдошев лабда табассум билан. — Сизларни бахтиёр кўраётганим учун ҳам бахтлиман.

Тўйчи ака бу гапларни Республика стенография ва машинкада ёзув курси жамоаси билан бўлган байрам учрашувида айтди.

СУРАТДА: уруш фахрийси Тўйчи ака Йўлдошевни байрам билан табриклашмоқда.

С. МАҲКАМОВ
олган сурват.

«КЎЗИМ ГАВҲАРИДА СЕНИ КЎРАМАН...»

Қорақалпоғистонлик шоира Гулистон МАТЁҚУБОВА ижоди ҳақида

Суратчи Бекпўлат ТОҒАЕВ.

Оқаётган дарё — тириклик манбаи, неъматлар ижодкори. Оқаётган дарё гоҳ тошиб, ўзанига сиғмай гувиллаб сурон солади, гоҳ эса сокинлашиб, азалий-абадий йўлида улуғвор давом этади. Муҳими — у сахий далаларга ризқу насиба, чаман манзилларга файзу таровват, ташна кўнгилларга ободлик, шукроналик элтади. Энг муҳими — дарёнинг борлиги.

Инсон умри ҳам шу дарёга ўхшаш... Шоир умри-чи? Шоирнинг умри ҳам дарёга менгзайдими?

Шоир умри ҳам дарёга ўхшайди. Бироқ, шоир умрини бир ўзан ичида эшилиб-қўшилиб, бирикиб-тўлғониб оқаётган икки, уч, тўрт, беш... кўплаб дарёларга менгзатсак адолатдан бўларди. Нега «бир ўзан ичидаги кўплаб дарёлар» дедик. Бу ташбеҳни қўллаганимизнинг сабаблари бор, албатта. Мақоламиз ана шу сабаблар ҳақида. Аниқроғи — шу ташбеҳни оқлаб турган, шундай ташбеҳлар кўзу қошдай ярашиб турган шоира ҳақида.

* * *

Гулистон опанинг шеърларини ўқиганимда ҳар гал кўз олдимга Аму дарёси келади. Сўнг... туғилиб ўсган юртим манзаралари сувратланади. Қишлоқ. Жимир-жимир ҳовур кўтарилаётган отизлар. Чумолилар ўрмалаб, бозор-бозор ўйнаётган оқтол, қоратоллар. Ҳиди беҳуш қилиб қўядиган жийдалар. Бош чайқаб турган сипо тераклар. Лойқаланиб оқиб ўтган арналар, ёплар, солмалар. Белга уриб турган бўёнлар...

Азиз юрт.

Бу шу қадар бир қадрдон манзара, шу қадар эзгин, дилўртар сувратдирким, қараб-қараб, ўқиб-ўқиб, тикилиб-тикилиб киприкларим намланиб кетади.

Субҳидамдан тутзор томон
шошилади келинчак,
Дасталанган тут шохлари
сиғмай кетар қучоққа.
Сўриларда пилла қуртлар
ўраётир зар ипак,
Неча кунки, вақт топилмас
бир лаҳза дам
олмоққа.

Соддалигидан самимият балқиб турган сатрлар хаёлимни воҳага, дашту далаларга, водийларга, тоғу тошларга, кўлу ёнбонларга бошлаб кетади. Энтиктириб юборади. Кўз олдимда эласланаётган манзараларга сингиб кетгим келади. Келинчакнинг қўлидаги шохларни олмоққа шошиламан. Шитир-шитир ўрмалаб барг киртиллатаётган қуртларни силагим келади... Ҳолбуки, — бу шеър. Йўқ, шеър эмас — ҳаёт, ҳаётнинг ўзи, ўзбаки турмуш бу! Йўқ, ундай ҳам эмас, булар — ана шу ҳаётнинг, шу ўзбаки рўзғорнинг рамзлари, булар — рамз. Манзаралар, тут кўтариб ўтаётган келинчаклар, барг кемираётган қуртлар — бари-бари рамз, ҳаёт рамзи, турмуш рамзи, Ўзбекистон рамзлари... Шундай экан, юрт соғинчида тўлиб-тошаётган дил, болалигини, ёшлигини қўмсаб қоврилаётган шикаста дил бўзлаб-бўзлаб йўлга тушмасинми?!

Ёз келмоқда қишлоғимга
анҳорларин ёқалаб,
Уфқ билан далаларнинг
оралари бир қарич.
Саҳарларнинг шабнамига
ғунчалар очади лаб,
Қушгинам-ей, олқиш айтиб,
бутоқлардан ол ўпич!

Дарвоқе, шу ўринда «мен», «менинг», «менга» деб билдирган худбин фикрларим учун азиз ўқувчилардан узр сўраб кетайин. Зеро, бу шеърлар, манзаралар, рамзлар, энтикиш-ҳаяжонлар ҳаммамизга таниш, ҳаммамизга тегишли, ҳаммамизники. Ахир, булар — Ўзбекистон суратлари-ку...

Шоиранинг мавзу жиҳатдан ранг-баранг ижодида, шеърларида табиат манзаралари, қишлоқ ҳаёти, ўзбекчилик урф-одатлари алоҳида бир ҳайрат, алоҳида бир меҳр, алоҳида бир маҳорат билан куйланади. Бу бежиз эмас. Чунки шоира шу ҳаёт қўйнида туғилиб камол топган, шу юрт унга илҳом берган, истеъдод берган, тарбиялаган, парвариш ато этган. Гулистон Матёқубова — шу юртнинг қизи, шу юртнинг куйчиси. У шу юртнинг онаси ҳам. Унинг томир-томирлари — мана шу йўлларга туташ, қалби — шу юрт одамларининг қалбига пайванд, меҳри — шу юрт дарёсидан андоза, вужудида — шу юртнинг олови бор, иштиёқи бор, армони бор... «Саҳарларда шабнамларга лаб очган ғунчалар» шоиранинг мушоҳадасида ҳамиша тирик, илҳомида ҳамиша мададкор, хотирасида ҳамиша барқарор. Энди ғунчалар ҳам ғунча эмас, балки табиатдан шеъриятга кўчиб кирган «мунис қўнғироқлар». Шунинг учун бўлса керак, табиат билан инсон бирлиги, шоирона пайвастлик Гулистон опанинг ижодида мағиз бўлиб, таъм бўлиб бўй таратади.

Бутоқларида олча яйрар
қирмизи табассумда...

Тасвирни нурлантириб турган бундай рангин табассумни фақат шоир қалбигина пайқайди, фақат чинакам шоиргина бу табассумни оҳори тўкилмас қилиб сувратлайди. Агар шоира юртнинг ҳар бир қарич тупроғидан, тошидан, япроғидан, майсаларидан, сувларидан завқ олмаса, туйғу олмаса, туғён олмаса, чечаклар билан тиллашмаса «Қирмизи табассум»ларни ўқимаса, илдизлар тарихидан огоҳ бўлмаса — сатрлари самимиятга, ошуфталикка қорилармиди? Агар шоира халқнинг дарду ҳасратини, умид-армонларини дилга жо қилмаса, элдаги ҳар бир ўт-ўтовни, кул-ўчоқни қадрлай олмаса, турмуш сўқмоқларини ораламаса — шеърлари ёруғ ғусса нурларига, хавотир ва умид нурларига чайилармиди?

Шамол кезар эркин,
беозор...
Чаноқларин ёради пахта.
Куз яқиндир.

Шоирлик шу: деҳқоннинг бутун меҳнатига, бедорлигига, ғўза бошини силаб ўтказган кунлар заҳматига маънавий дахлдорликни, фарзандларча меҳрибонликни, жонкуйгич шафқатни икки қатордаги бешта сўзнинг бағрига жойлайди:

Чаноқларин ёради пахта.
Куз яқин...

Ёки, қуйидаги сингари сатрларни ўқиганимда, мен ҳар гал хаёлга ботаман, ҳайратланаман, шоиранинг мусаввирларга хос кузатувларидан, фалсафий мушоҳадасидан завқланаман:

Осмонга қон бўлиб
ёйилар қуёш,
Бетоқат шамоллар
тинади ерда.
Тоғларга кўрк бўлган
мағрур қоятош
Қуёш панжасида
ботади теога...

* * *

Шоирлик — аслида фидойилик. Шоирлик — шу тупроқни, заминни, юртни бор-борича севиш. Бу фидойи севгидан маҳрум шеър — жўн шеър бўлиб қолаверади. Бу меҳрдан маҳрум шоир — ўртамиёна шоир бўлиб қолаверади. Чинакам шоирлик — юрт билан пайваста умрда, халқ билан бирлик-эшликда, табиат билан ялакат-мағиз қисматда намоён бўлади...

* * *

Кунлар қадим тарих
дарахтининг
Ожиз барги каби
чирт-чирт узилар...

Ажаб ўхшатиш... Маҳзун, оғир таассурот қолдиради кўнгилда. Шоиранинг безовталиги вужудингизга кириб келаётир. Умрнинг шунчалик ғаниматлигини, инсоннинг муваққатлигини, ҳаёт ҳам, қувончу ташвишлар ҳам, ҳасрату заҳматлар ҳам — бари-бари омонат эканлигини шоира чириллоқ қуш каби қалбингизга қуймоқда. Кунлар — чирт-чирт узилиб тушаётган ожиз барглар. Инсон — муваққат. Умр — омонат. Вақт — бешафқат. Куз эса — яқин, мана кўнгил эшигини, тафаккур эшигини куз қоқиб турибди. Яшаш керак! Ёниб, гуруллаб, тошиб, тўлиқиб, фидо бўлиб яшаш керак! Омонат умрни ардоқлаб, дақиқаларни эъзозлаб, халқни, юртни, Ватанни севиб яшаш зарур! Эзгу ишлар қилиб, эзгуликлар яратиб, меҳр улашиб, меҳр топиб яшаш керак! Шоира бундай фикр-ҳаяжонларни очиқдан-очиқ айтаётгани йўқ, балки ўзининг энг ишончли, энг тамкин элчилари, — шеърий сатрлари, мисралар орасига сингдирмоқда. Шоирлик шу...

Хўш, шоирнинг ўзи-чи? Изтиробу ўртанишлар, ҳаяжону эҳтирослар, бедор алоло-суронлар ижодкори бўлмиш Қалб — у ўзи қаерда, қай йўлда?

Текис йўлни қўйиб,
нечун излайсан
Оғир, пасту баланд,
тошлоқ йўлларни!..

Бу — ижод, яратиш йўли. Изланишлар, топишлар, йўқотишлар йўли. Эҳтирослар, орзулар, умид ва армонлар кўклаб ўтган йўл. Бу — шоир йўли. Ижодкорнинг ўзи танлаган, ўзи севиб, ўзи куйиб ўтадиган сайрона йўл. Сўз масъулиятини, Ватан армонларини, эл-юрт ғамини, мозий сабоқларини, табиат жозибасини, келажак умидларини кийиб олган Қалбнинг ўз йўли, қадрдон сўқмоғи...

Бу йўл қаерларга
олиб боради!
Ким сени қўллайди
толсанг, йиқилсанг!
Бу йўлда қадаминг
изи қолармиш —
Яхшилик изласанг,
яхшилик қилсанг!..

Мангу жавоби ўзида бўлган мангу саволлар...

* * *

Бундан ўн-ўн беш йиллар муқаддам бўлиб ўтган қизлар мушоирасида даврани бошқариб бораётган малика — устоз Зулфия опа ўзбекнинг шоира қизларига мурожаат қилиб:

— Жаҳоннинг шеърияти тараққий қилган халқларида ўша юртнинг фақат ўзигагина хос бўлган аёл-қизлар шеърияти бор. Уларнинг шеърларини ўқисангиз, қайси халқнинг вакиласи эканлиги шундоққина сезилиб туради. Келинглар, бизлар ҳам ўзбек аёл-қизларининг ўз кечинмалари, орзулари, ҳаёси балқиб турган шеъриятимизни яратайлик! — деган эди.

Шундан бери, қанча-қанча истеъдодли қизлар бу сулув даврага келиб қўшилди, шеъриятда ярақлаб кўринди. Гулчеҳра опалар, Эътибор опа, Ойдин опа, Ҳалима опа, Турсуной опа, Уллибиби опалар сафи кенгайгандан кенгайди. Қутлибека, Муҳтарама, Мақсуда, Шарифа, Зулфия, Замиралар, Ҳалималар, Зеболар, Матлуба, Инобату Кароматларнинг шеърлари — ҳар бириники алоҳида-алоҳида бир олам, гўзалликка, шарқона ҳис-туйғуларга тўла уммон, иффату, ҳаё билан зеболанган чаман. Буларнинг ижодларини кузатиб, шеърларини ўқиб, устоз Зулфия опанинг башоратомуз чақириғи ростга айланаётганидан қувонасиз! Мана шу гўзал бўстонда Гулистон опанинг ҳам ўзига хос ўрни, ўз овози, ўз чаман-гулистони бор.

* * *

Гулистон опанинг муҳаббат мавзуидаги шеърларида ўзгача бир жозиба, иффат, ҳаё, нозик-ўктам бир ирода мўралаб туради.

Кўзим гавҳарида сени кўраман... — дейди бир шеърида у. Муҳаббатни, севгини сўз билан, кўз билан изҳор қилишда бундан ортиқроқ назокат бўлмас! Бу — муҳаббатнинг, меҳрнинг, соғинчнинг ўта иффатли, ўта нозик , шарқона ифодаси. Бундай гўзал изҳорни фақат ўзбек шоирасигина айта олади. Ўктам, улуғвор, теран туйғуларга эга бўлган Қалбдангина шундай ширин-ширин изҳор чиқади.

Ўктам дедик, улуғвор дедик, теран дедик. Мана шу ҳиссиётлар жамлашгандагина Қалбда ноёб жавоҳир — яъни, Садоқат туғилади. Шарқ аёлини табаррук қилган, муқаддас қилган жавоҳир — мана шу Садоқат. Ёраб, қаранг, шарқ аёли нақадар мўъмина, нақадар шафқатпеша ҳамширадир:

Соғинчларим эса кўзимга
тошар,
Сувратинг тўлдирар
нигоҳларимни.
Учириб юборар бир
тўлқин мисол
Қароғингга қалққан
гуноҳларингни...

Шарқ бу ахир, Ғарб эмас! Бу ҳудуддаги барча ахлоқий тушунчалар, барча меъёрлар буткул ўзгача! Бу ҳудудда Аёл шунинг учун ҳам муқаддас, шунинг учун ҳам жозибали, шунинг учун ҳам севимли. Шарқ аёлининг қалбини ноёб жавоҳирлар — Садоқат ёритиб турибди, Назокат ёритиб турибди, Латофат ёритиб турибди. Ғарбнинг бурун жийиргич хонимчалари бу сатрлар замиридаги вафони, соғинчни, умидни, нозни, меҳрни, бардошни, улуғликни тушуниб етармиканлар?..

* * *

Устоз Зулфия опа вилоятларда яшаб ижод қилаётган шоиралар ҳақида гапирар экан:

— Менга айниқса, тўрткўллик қизимиз Гулистоннинг шеърлари маъқул бўлди. Унинг шеърларида кўнгилни, вужудингизни иситувчи сатрлар кўп, — деган эди. — Гулистоннинг мавзулари ранг-баранг, такрорланмайди. Унинг шеърларини ўқиб бўлгач, буни Гулистон Матёқубова ёзганлигини ҳис қилиб турасиз. Мен бу қизимизнинг келажагига ишонаман!

Бу умиднинг билдирилганига ҳам ўн беш йилча бўлиб қолди. Бу орада Гулистон Матёқубованинг юзлаб шеърлари матбуотда босилиб чиқди, ўнлаб китоблари нашр этилди. У жамоат ва давлат ишларида ҳам фаолият кўрсатди, юксак лавозимларга муносиб топилди. У нимаики ёзмасин, давлат ишларида қайси соҳани бошқармасин — халқ ҳаёти, оддий инсонлар турмуши, аёл-қизлар тақдири ҳамиша унинг фикри-зикрида. Ижоди — халққа, фаолияти — халқ учун. Ўз шеъри билан айтганда:

Қуёш қуёш эмас,
парча ўт бўлиб
Ўрнашиб олади
қароқларига.
Келажак яралар
гоҳида кулиб,
Гоҳ тарих тирилар
варақларида.

Гулистон Матёқубованинг ҳозирга қадар ўзбек тилида «Ҳаяжоннинг етти ранги», «Ойдин остона», «Севиб қолсин», қорақалпоқ тилида «Юрак билан юзма-юз», «Олтин бўсаға» шеърий тўпламлари, «Кечиккан бахт» номли қисса ва ҳикоялар тўплами, рус тилида «Прекрасное чувство» («Энг гўзал туйғу») шеърий тўплами ўқувчилар қўлига етиб борди. Шоира айни камолот палласида туриб ижод қилаётир. У сўнгги йилларда ёзган шеърлари учун Бердақ номидаги давлат мукофотига номзод бўлиб рўйхатга олинган. Шуларнинг ўзиёқ Гулистон Матёқубованинг истеъдодини, салоҳиятини, назмий иқтидорини белгилаб турган намуналардир. Қолаверса, у ўз ижоди, фаолияти, ҳаётий саъй-ҳаракатлари ила яна бир савобли ишга — ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг дўстлигини мустаҳкамлаш ишига ҳам хизмат қилаётир. Яна шоиранинг ўз сўзи билан айтсак:

Эл учун жонингиз,
борингиз фидо,
Сиз учун йўқ ишнинг
катта-кичиги.
Муҳими — келтирсин
у элга фойда,
Очсин ёпиқ қолган
ҳақлик эшигин...

* * *

Юқорида биз шоир умрини бир ўзан ичида оқаётган тўрт-бешта дарёга менгзаган эдик. Инсонга бериладиган биттагина умр мобайнида ўзининг ҳам меҳрибон она, ҳам мунис ёр, ҳам оқила аёл, ҳам истеъдодли шоира, ҳам толмас давлат ходимаси, ҳам жамоат арбоби сифатидаги фазилатларини намоён қилиб келаётган давримиз аёлини, Шарқ аёлини бошқа яна нимага ўхшатмоқ жоиз бўлур эди?

Менимча, дарёга. Фақат дарёга.

Шунинг учун ҳам, Гулистон опанинг шеърларини қўлга олганимда, ҳар гал менинг кўзим олдида тўлиб-тошиб оқаётган Аму дарёсининг мавжлари жонланади, жонланади...

Ассалому алайкум, Аму!

Музаффар АҲМАД.

Қутлуғ кун

ОҚАР ДАРЁ

Ҳар бир асарнинг муаллифидан бошқа яна бир муаллифи борки, у китоб муҳаррири — ноширдир. Ўзбекистоннинг моҳир муҳаррир — ноширлари сафида олтмиш йиллик ҳаётининг қирқ йилини шу соҳага бағишлаган «Фан» нашриётининг директори Наримон Тожиевич Ҳотамов ҳам бор...

Наримоннинг ёшлигига бир ёқдан уруш йилларининг қора кўланкаси соя солган бўлса, бир ёқдан ўгайлик изтироблари ўз муҳрини босди. У Қашқадарёнинг Чироқчи туманида туғилди. Тожикистон қишлоқларида дастёрлик, молбоқарлик қилди. Сўнг Самарқанднинг Хатирчисида бошланғич саводини чиқарди. Шаҳрисабзда ўрта мактабни битирди. Ўша балоғат ёшидаги орзуларга тўла, аммо серташвиш йиллар ҳақида Наримон Ҳотамов шундай ҳикоя қилади, «Дунёда қалби пок, олижаноб одамлар ва уларнинг бировларга кўрсатадиган яхшилиги, хайрли ишлари бўлмаса, олам қанчалик файзсиз, нурсиз бўлиб қоларди. Ҳаёт маъносини ана шундай яхши одамлардан ўрганганман. Болалик йилларимда мени адабиёт оламига ошно қилган ўқитувчимиз, шаҳрисабзлик шоир Шарафжон Орифий домладан миннатдорман».

1952 йили Наримон Ҳотамов Самарқанд Давлат университетига ўқишга киради. Энди адабиёт оламига қанча қизиқиш, қанча орзу бўлса, шунга яраша имкониятлар ястаниб ётар эди. Ўқиш, ўрганиш, изланиш, вақтни тежаш керак эди. Лекин, ҳали турмуш тарзи ва ҳаёт шароити оғир, қорин нонга тўймас, уст-бошдан ямоқлар кўчмаган эди. Наримон Ҳотамовга ўхшаган талабаларга яхши одамлар, аввало, жонкуяр мураббийлар муруввати насиб этди. У Воҳид Абдуллаев, Жўравой Ҳамдамов, Нуриддин Шукуров, Худойберди Дониёров, Раҳим Муқимов, Улуғ Турсунов, Ориф Икромов, Маҳмудали Юнусов каби устозлардан ҳаёт ва адабиёт сабоғини олди. Бу сабоқлар унга яна бир ҳақиқатни англатди: устоз ўз шогирдидаги салоҳиятни, истеъдодни пайқаса қувонаркан, унинг тўғри йўлдан боришига, камол топишига ёрдам бераркан. Муқимий стипендианти Наримон Ҳотамов 1957 йили университетни имтиёзли диплом билан тугатди ва Тошкентга йўл олди.

Тақдир уни Ўзбекистон ўқув-педагогика нашриёти (ҳозирги «Ўқитувчи») остонасига етаклаб келди. Ўзбек тили ва адабиёти таҳририятида кичик муҳаррир бўлиб ишга ўтди. Унга нашриёт раҳбари таржимон ва журналист Жалолхон Азизхонов, таҳририят мудири Ҳолида Сулаймоновалар мураббийлик қилдилар. Илк қораламалари талабалик йилларидаёқ эълон қилинган Наримон Ҳотамов ноширлик сир-асрорларини эгаллашга тез киришди. Айни пайтда газета ва журналларга мақола, тақриз ва очерклар ёзди. Мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари учун катта ҳажмли дарслик ва қўлланмаларни таҳрир қилди. Ўзбек адабиётшунослиги атамаларига бағишланган диссертация ёзиб, 1971 йили филология фанлари номзоди бўлди.

— «Ўқитувчи» нашриёти чоп этган Бобур, Фурқат, Муқимийларнинг «Танланган асарлари», С. Долимовнинг «Ватан адабиёти» (1938), Н. Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (1962), В. Абдуллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (1964), Ғ. Каримовнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (1967), И. Султоновнинг «Адабиёт назарияси» (1980) деган дарслик ва қўлланмалари Наримов Ҳотамов таҳририда нашр этилган. У тарих, жамиятшунослик, давлат ва ҳуқуқ, таълим-тарбияга оид ўнлаб дарсликларни таржима қилган.

Ўн беш йилдан кўпроқ вақт мобайнида «Ўқитувчи» нашриётига раҳбарлик қилди, бир неча йилдирки, «Фан» нашриёти директори бўлиб ишлаб келмоқда. Ўзбекистон илм-фан тараққиётида бу нашриёт жамоаси хизматини халқ яхши билади.

Одамлардан яхшилик кўрган Наримон Ҳотамов одамларга яхшилик қилиш — қалбига қуёш бўлиб кириш илинжи билан яшаб келмоқда! У ишхонада моҳир раҳбар, уйда меҳрибон ота, дўстларга содиқ, ҳаётда собит инсон.

Инсон умрини оқар дарёга ўхшатишади. Оқар дарёдан ҳамма сув ичади, баҳра олади. Моҳир муҳаррир — ношир Наримон Ҳотамовни олтмиш баҳори билан қутлар эканмиз, умр дарёингиз ўзанлари узун бўлсин, деб қоламиз.

Ғуломхон ҒАФУРОВ,
«Нур» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош муҳаррири.

Туркистон бир, ватан бир
ТУРКИСТОН ТИЖОРАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КИМЁ САНОАТИ РИВОЖЛАНГАН ВИЛОЯТ, ШАҲАР, ТУМАН МАКТАБЛАРИНИНГ ЎҚУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

қошидаги Лицейга кимё фанига қизиқувчи аълочи ўқувчиларни

10-синфга қабул қилади.

Лицейга кимё ва математика фанларидан ўтказилган суҳбатлар натижаларига қараб қабул қилинади. Лицейда ўқувчиларни барча фанлардан, айниқса кимё ва математика фанларидан чуқурлаштирилган дастур асосида тест синовларига тайёрлаб борилади.

Лицейга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— институт ректори номига ариза;
— мактабдан тавсифнома;
— мактаб педагогик кенгаши тавсияномаси;
— 086-У тиббий маълумотнома;
— ўтган чораклар учун баҳолар табелининг нусхаси;
— 3х4 ҳажмдаги 4 та фотосурат.

Ҳужжатлар 10 июнгача қабул қилинади. Суҳбатлар 20 июнгача ўтказилади. Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Тошкент, Қибрай, Зангиота туманларидаги мактаблардан лицейга қабул қилинган ўқувчилар Тошкент шаҳрида, республиканинг кимё саноати ривожланган вилоятларидан лицейга қабул қилинган ўқувчилар институтнинг Чирчиқ шаҳридаги факультетида таълим оладилар.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилгоҳдан олишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайҳонтоҳур кўчаси; 10-уй; 5-хона. Тел: 41-03-60.

Газета саҳифаланаётганда:

ГЕНЕРАЛ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Таэквандо оламида Чой Хонг Хини ҳамма билади. Чунки бу жаноб мана шу кураш турининг асосчиси саналади. Қолаверса, у халқаро таэквандо федерациясининг Президентидир. Генерал Чой Хонг Хи Тошкентга ташриф буюрди. У билан Марказий Осиёнинг 50 дан ортиқ қора белбоғ соҳиблари ҳам келишди. 75 ёшли Президент семинар ўтказди. Унинг охирида кўрикдан ўтган 4 нафар юртдошимиз — Н. Толибов, Г. Хан, Б. Пак ва И. Ҳудойқуловга бу кураш турининг юқори даражаси — 4—дан унвони берилди. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, МДҲда бу унвон атиги бир неча кишида бор холос. Бундан ташқари, Президент ёш спортчиларга таэквандо сир-асрорларини ҳам ўргатди. Генерал Ўзбекистонда бу кураш турига эътибор ошаётганлигидан мамнунлигини айтди. Дарвоқе, сентябрда Тошкентда жаҳон чемпионати ўтиши ҳам бежиз эмас. Чой Хонг Хи Тошкент шаҳар ҳокими Атҳамбек Фозилбековни фахрли 4—дан унвони билан тақдирлади.

Келгуси сонда:

- ● ҲОКИМНИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ.
- ● ҚУЁШНИНГ СЎНГГИ СОАТЛАРИ.

Футбол оламида

ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАНГГА ҲОЗИРЛАНСИН

Келгуси йилнинг ёзида Америка Қўшма Штатлари ўйингоҳларида футбол бўйича жаҳон чемпионатининг финал учрашувлари ўтишидан хабарингиз бор. Ҳозирги кунда сайёрамизнинг турли бурчакларида саралаш ўйинлари давом этмоқда. Кимнингдир омади чопган, кимдир бахтли якундан умидини узиб улгурган. Жамоалар ўз баҳсларини олиб бораётган бир пайтда журналистлар ҳам саралаш учрашувларида иштирок этадиганга ўхшаб қолди. ФИФА (Халқаро футбол федерацияси)даги мутасаддиларнинг қарорига мувофиқ жаҳон чемпионати финалини ёритиш учун беш минг журналистгина махсус шарт-шароит билан таъминланаркан холос — 500 фототасвирчи, 2200 киши газета-журналларнинг шарҳловчилари ва 2300 телерадиожурналистлар. Қолганлар ўйингоҳларга оддий томошабин сифатида ташриф буюришлари мумкин бўлади. Бироқ журналист учун ўйинни бевосита кузатишнинг ўзигина камлик қилади. У жамоалар устозлари-ю, ўйинчилар, ҳакамлару, ташкилотчилар билан бевосита мулоқотга киришиб қизиқарли тафсилотларни аниқлаши, матбуот маркази кўмагида техник маълумотларни олиши ва барча-барчасини тезлик билан ўз муштарийларига хабар қилиш учун алоқа воситаларига эга бўлиши даркор. Бундай шароит оддий мухлиснинг тушига ҳам кириши мумкин эмас.

Хўш, ФИФАни бундай «чеклов»га қандай сабаблар ундаган экан дерсиз? 90-йилги жаҳон чемпионатининг финал учрашувида матбуот ходимларига шароит яратиш учун 720 минг АҚШ доллари сарфланган бўлиб, бу пуллар айнан халқаро федерация ҳисобидан ажратилган. Журналистлар ўйингоҳларга азалдан эркин кириш ҳуқуқига эга бўлганлар, ўйин ривожига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Аммо бундан буён улар бу ҳуқуқдан ажраладиган кўринадилар. АҚШдаги финал учрашувида махсус жойларда ишламоқчи бўлганлар алоҳида чипта олишларига тўғри келадиган кўринади.

Ким ютадию, ким ютқазади... Бизнингча, футбол ишқибозлари ютқизишса керак. Чунки аксариятимиз олис мамлакатга бора олмаймиз. Тафсилотларни бафуржа хабар қиладиганлар ҳам камайса тўрт йилда бир насиб этадиган бахт — катта футболнинг чинакам байрамидан сал бўлса-да, йироқлашамиз.

Журналистлар эса (имконияти борлари албатта!) жангга ҳозирлансин!

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*), К.ЖУМАНИЁЗОВ, З.МАМАДАЛИЕВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (*масъул котиб*), С.РУСТАМОВ.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

☎ ТАҲРИРИЯТ: ☎
хатлар ва оммавий ишлар – 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими – 32-57-93; ижодкор ёшлар – 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик – 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш – 32-53-98; тижорат – 32-58-48; қабулхона – 32-56-58.

✉ МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 00130 Буюртма Г—232. 64562 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди. 22.30 да.